

# ҲИМОЛАЙ ОША САДОЛАР

Ҳиндистон шоирларининг  
шеър ва поэмалари

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент—1978

*Сўзбоши муаллифи—Узбекистон халқ шоири, СССР  
Давлат мукофоти, Жавоҳарлаъл Неру ва халқаро  
«Нилуфар» мукофотларининг лауреати ЗУЛФИЯ.*

**ТУЗУВЧИ СУРЪАТ МИРҚОСИМОВ**

Г  $\frac{70304}{352 (06)-78}$  (доп. 78)

©Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1978 й., Тарж.

## БУЮК ИНҚИЛОБ ҚУШИҚЛАРИ

Буюк Октябрь социалистик инқилоби тарих чўққи-сидаги шундай қоярдирким юксаклик ва серқирраликда у тенгсиздир. Шунинг учун ҳам XX аср бошларидаги тўфонли йўлларида сўнг амалга ошган бу инқилоб ўз аҳамиятига кўра шу асрнинг асосий воқеасига айланиб қолди. Бир халқ ҳаётининг кураш йўли—Октябрь инқилоби башариятнинг янги тақдирига асос солди, чунки меҳнаткашларнинг буюк доҳийси В. И. Ленин раҳбарлигида ғалаба қозонган бу инқилоб халқлар асрлар бўйи ардоқлаган орзунинг рўёбга чиқиши бўлди, шу билан бирга, ҳали зулм ва истибдод чаңгалида бўлган халқларга янги ҳаёт сари кураш йўлини ҳам кўрсатиб берди.

Катта нарсалар узоқроқдан яхши кўринганидек, босиб ўтилган йўлга бир назар ташласак босган ҳар бир қадамимиз инсоният тарихининг янги давр достонидаги теран бир бобга тенглигини кўраимиз. Машаққатли курашимиз ва сермазмун ғалабаларимизни бугунги кунда тараққийпарвар инсоният тарих илмгоҳидаги нодир дарслик сингари ўрганмоқда. Ҳозирги давримизда Октябрь инқилобининг оламшумуллиги бутун дунё халқлари ижтимоий ҳаётининг ҳар соҳасида ҳам янгидан-янги шаклларда намоён бўлиб келмоқда.

Мана ярим асрдан ошиб кетдики, одамлар бу ин-

қилобнинг ўчмас аҳамиятини ўз куйларида куйлаб, қўшиқларида олқишламоқдалар. Ер куррасида бирон-бир халқ адабиёти йўқки, у Октябрь зиёсини эммаган бўлсин. Унинг ҳаётбахш сарчашмасидан баҳраманд бўлмаган бўлсин. Қадимий ва навқирон, кўпмиллатли, анъаналарга бой Ҳиндистон адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Ҳинд шеъриятининг фақат Октябрь инқилобидан кейинги даврига мурожаат қилсак классик шоирлардан тортиб, ёш тараққийпарвар шоирларгача инқилоб ва унинг доҳийси Лепин мавзусига мутгасил ёндошиб келишгаётганлигининг шоҳиди бўламиз. Фақат ҳинд, урду, бенгал, малаям, панжоб ва бошқа ҳинд тиллари шеъриятида бу мавзуларга атаб ёзилаётган шеър, назм, ғазал, дoston ва қатор бошқа асарлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Биринчи шеърлар Октябрь давридаёқ ёзилган. Масалан, Октябрь инқилобидан икки ой ўтиши билан ҳинд шоири Азиз Лакҳнавий 1918 йил 16 январдаёқ «Рус инқилоби» номли шеърини ёзади ва инглиз мустамлакачиларига қарши курашаётган ҳинд халқига мурожаат қилиб:

**«Рус насимидан олинг уйғониш номасини»**

дейди.

1920 йилдан бошлаб ҳинд инқилобчилари Тошкент шаҳрида чиқарган «Заминдор» ва Боку шаҳрида чиқарган «Озод Ҳиндистон» газеталари ҳинд меҳнаткашларига социализм ғояларини етказди. 1922 йилдаёқ Москвада ҳинд инқилобчиларидан бири Раҳмат Али «Байналминал»ни ўз она тилига таржима қилади.

Умуман, Октябрь инқилобининг Ҳиндистонга таъсири шу қадар теран эдики, буни буюк Р. Тагор ва М. Иқбол ҳам ўз асарларида акс эттиришган. Буюк Тагор инқилоб Ватанига қилган сафаридан кейин машҳур «Россия ҳақидаги мактублар»идан бирида шундай деб ёзади:

**«Россиядан ҳозиргина қайтиб келдим,  
мамлакатнинг шон-шараф учун босиб  
ўтган йўли қанчалик оғир эканини кўрдим...  
Бизнинг ўғлонларга ҳам айтинг, ҳали  
улар олдида ҳам кўп нарсалар бор.»**

Тагор бу сўзлари билан халқларни Россиянинг содиқ ўғлонларидан қийинчиликларни енгишни ўрганишга чақиради.

Буюк Иқбол В. И. Ленин тўғрисида бир неча қисмдан иборат афсонавий шеър ёзади. Шу туркумга кирган бир шеърда қўйидаги оташин сатрлар бор:

**«Жумҳурият замонаси келур оламга  
Кўҳна замон доғларин йўқотинг албат.»**

Октябрнинг таъбири жуда тира ва хилма-хил эди. У ижтимоий ҳаётда ҳам катта роль ўйнайди. Биз бунини озодлик ҳаракатининг доҳийлари М. К. Ганди, Ж. Неру ижтимоий-сиёсий қарашлари ва сиёсий амалий фаолиятида яққол кўраемиз. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Ж. Нерунинг: «Социализм мен учун фақат иқтисодий таълимотгина бўлиб қолмай, мен уни қўллаб-қувватлайман, балки ҳаётим мазмунини ҳамдир» деган сўзлари мазлум Осиё халқларининг нурли келажакка боқиб айтган сўзларидек жаранглар эди.

Шеърятга назар ташласак, улуғ Октябрь инқилоби тўғрисида ҳинд шоирлари ёзган ва ёзаётган асарлар шу қадар хилма-хил, шу қадар ранг-барангки, улардан нодир хазина ташкил қилиш мумкин. Ушбу тўпламга Ҳиндистон шеърятининг ҳар хил тил, ҳар хил давр, ҳар хил бўғинга мансуб бўлган шоирларининг Октябрь инқилоби, Ленин ва Совет Иттифоқи мавзuida ёзилган хилма-хил услублардаги асарларидан олтимиштаси танлаб олинган.

Шуниси қувонарлики, бу тўпламга кирган нодир

шеърларнинг кўпчилиги ўзбек китобхонлари эътиборига биринчи бор ҳавола қилинмоқда. Бундан ташқари шеърлар ҳинд тилларидан бевосита ўзбек тилига таржима қилинган.

Тўплам халқ шеърлари билан очилиши бежиз эмас. Ҳақиқатан дунё халқлари қалбида инқилоб ва унинг доҳийси Ленин сиймосига нисбатан абадий ҳурмат, эъзоз-икром бор. Шоирларнинг кўпчилигини китобхонга таъништиришнинг ҳожати йўқ. М. Иқбол, С. Пант, Нирала каби шоирлар номи билан ўқувчилар яхши таниш. Уларнинг кўпгина шеърлари Совет Иттифоқи халқлари тилларига таржима қилинган.

Тўпламда коммунист шоир ва адиблар ижодига катта ўрин берилган. Булар орасида С. Заҳир, Қ. Азмиё М. Муҳиуддин, А. Жаъфарий, Н. Ҳайдар ва бошқа қатор шоирлар бор. Уларнинг ижоди Ленин ғояларининг ҳозир Ҳиндистон ижтимоий ҳаётига кўрсатаётган таъсирини чуқурроқ таҳлил қилишда энг асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Марксистик дунёқараш асосида ёзилган бу шеър ва поэмалар Ҳиндистон адабиётларида, хусусан, шеъриятида ривожланиб бораётган революцион ғоялардан дарак бериб туради.

Тўпламдаги кўпгина шеърлар тараққийпарвар шеърят намояндаларининг қаламига мансубким, Ленин ва Октябрь ғоялари, Совет мамлакати халқлари ҳаёти улар ижодида жуда муҳим ўрин тутди.

Шеърларнинг аксарияти инқилоб ва Ленин мавзуда ёзилган. Шуниси аҳамиятлики, кўпгина муаллифлар учун инқилоб ва Ленин—бир-бирига чамбарчас боғланган ғоя.

Шеърларда Октябрь революциясининг жанговор кунлари, инқилобдан кейинги кураш, Улуғ Ватан уруши йилларидаги совет халқининг жасорати, урушдан кейинги ижодкорона меҳнат, фан ва техника ютуқларини ифодаловчи ва куйловчи сатрларни ўқир эканмиз, совет халқининг революциядан кейин босиб ўтган олтмиш

Йиллик тарихий йўли жозибали ҳинд бўёқларига тўла тасвирдек ўтиб боради.

Тўпламга бундан ташқари ҳозирги даврдаги Ҳиндистондаги ижтимоий ҳаёт ва курашни ифодаловчи шеърлар ҳам киритилган. Ҳатто уларда ҳам инқилоб ғояларининг таъсирини кўрамиз. Чунки ижтимоий масалаларни талқин қилишда тараққийпарвар шеърият Октябрь инқилоби тажрибасига асосланишга ҳаракат қилади.

Улуғ Октябрнинг ҳинд шеъриятига кўрсатган бевоқиф таъсирларидан бири ундаги коммунизм идеалларининг куйланишида намоёндыр. Ҳинд меҳнаткашларининг жанговор авангарди Ҳиндистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган 50 йиллик юбилейига бағишлаб ёзилган кўпгина шеърлар тўпламдан жой олган.

Шеърларни тўплашда асосий манба қилиб Ҳиндистон Компартиясининг газеталари «Ҳаёт», «Жанюг» ва тараққийпарвар нашриётлар босиб чиқарган нодир тўпламлардан фойдаланилганлиги ҳам алоҳида диққатга сазовордыр.

Тўпламга кирган шеърлар ўз аҳамиятига кўра жуда бой мазмунга эга. Масалан, халқлар дўстлиги масаласини олиб кўрайлик. Фақат Октябрь инқилобигина халқлар орасида ҳақиқий дўстлик ва ҳамкорликка асос солди. Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги узоқ тарихга эга. Аммо бу дўстлик фақат Октябрь инқилобидан кейингина ва Ҳиндистон озод бўлгач гуркираб ўса олди. Бугунги кунда ҳинд-совет дўстлиги азим бир дарёким, у ҳаётбахш сувга тўлиб, келажак сари мавж билан оқиб бормоқда.

Умуман, бу тўплам Октябрь инқилобининг мангу барҳаёт ғоялари Ер юзида мардонавор қадам ташлаб бораётганлигидан яна бир бор далолат бергуси ва совет-ҳинд халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлагусидир. Чунки ҳозир эътиборингизга ҳавола қилинаётган шеърлар мазмуни, ҳарорати, самимияти ва оташинлиги бунга етарли кафилдыр. Ҳинд халқи шеърият шайдоси

ва энг муқаддас фикрларини шеърда ифодалашга ҳаракат қилади.

Азиз китобхон! Ҳинд шоирларининг мушоирасига сизни таклиф қиламиз.

Даврамиз меҳрга тўлиқ бир олам,  
Дўстлар бари жам,  
Буюк мушоира этади давом,  
Келингиз сиз ҳам!

**Зулфия**  
*Ўзбекистон халқ шоири*  
*СССР Давлат мукофоти,*  
*Жавоҳарлаъл Неру ва халқаро «Нилуфар»*  
*мукофотларининг лауреати.*



## МИСЛИ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗ ЛЕНИН

(Авадҳ халқ қўшиғи)

Рус элида донг таратди Лениннинг номи

Дўстлар, Лениннинг номи

Мангу унга бахти кулган эл эҳтироми,

Дўстлар, эл эҳтироми!

Рус халқи оч, қашшоқ эди, ҳокимлар бадком,

Зулм авжда, мамлакат ҳам на тинч, на ором.

Дўстлар, на тинч, на ором.

Деҳқон очдир, устихонга этлар ёпишган,

Очкўз бойлар бир-бирини бирам топишган.

Дўстлар, бирам топишган.

Зулмат эди, мисли юлдуз Ленин порлади,

Мазлум элни шон инқилоб, кураш чорлади!

Дўстлар, кураш чорлади!

Қирғин бўлди, оқди қонлар, азоб-уқубат...

Енгиб чиқди охири халқ, кетди мусибат,

Дўстлар, кетди мусибат!

Пошшо ҳам йўқ, ҳоким ҳам йўқ, йўқ даъвогар ҳам,

Судхўр ҳам йўқ, пулдор ҳам йўқ, йўқ савдогар ҳам,

Дўстлар, йўқ савдогар ҳам...

# Али Сардор Жаъфарий

## РУС ИНҚИЛОБИ

Ҳаётга бахш этдинг шавкат ҳамда шон,  
Фазоларга ёйдинг қирмизи алвон,  
Ёқиб азм машъалин амал йўлида,  
Бошладинг сен буюк манзиллар томон.  
Ларзага келтирдинг тожу тахтларни,  
Кул бўлди ҳаддингдан зулм йиғган хирмон,  
Найрангбоз подшони енгдинг батамом,  
Сарой ҳам қасрини айладинг вайрон.  
Халқ қонин дарёдек оқизганларни  
Совурдинг кулини кўкка беомон.  
Қулларга кўрсатдинг ҳуррият йўлин,  
Замон карвонига ўзингсан роҳбон,  
Жаҳон тадбирларин ўзгартдинг буткул,  
Йўқотдинг зулмдан қўймайин нишон.  
Вақтни ўз қўлига олди меҳнаткаш,  
Вақт—сирли эди, сен этдинг аён.  
Зарраким тупроққа қорилган бўлса,  
Қаҳқашон айладинг, этдинг нурафшон,  
Зеҳн жаҳолатда эди чорасиз,  
Уни илм нури-ла қилдинг чароғон.  
Бир замон бўзга зор бўлган кишилар,  
Энди кийиб юрар ипакли чопон.  
Обиҳаёт келди чўл-биёбонларга,  
Чўлларда яратдинг боғу гулистон.  
Самарқанд баҳори касб этди жилва  
Бухорода туздинг янгидан бўстон.

Олам узра жумҳур тароналари,  
Созинг чертсанг—завқинг бўлар бир жаҳон,  
Душманлар фитнаси енголмас сени,  
Ақл-идрок сенинг қўлингда қалқон,  
Шаҳидлар қонидан гул қўймиш хино,  
Чаманингда баҳор билмагай хазон!

Баҳор бўстонида яшайди мангу,  
Гуллар ол либосда яшнайдди мангу!

## ЯНГИ ҲАЁТ

*(Урта Осиё ва Инқилоб)*

Шарқда ҳам саз чертди рус инқилоби,  
Сигмас Осиёга элнинг хитоби:  
Яша, эй Инқилоб!

Йўқолди парвезлар, чингизлар тамом,  
Қувилди заминдан қону интиқом.  
Яша, эй Инқилоб!

Оразинг жилваси ол шуъласимон,  
Юзингга урмиш ранг шаҳид тўккан қон,  
Яша, эй Инқилоб!

Самарқанд, Бухоро кўрсатди жамол,  
Уфқда тўлин ойдек чарақлар ҳилол.  
Яша, эй Инқилоб!

Чақнар эрк ўтидан ҳар зарра, заррот,  
Завод-корхонада барқ урар ҳаёт,  
Яша, эй Инқилоб!

Кезар далаларда мангулик баҳор,  
Чўллар бағрин ёрмиш каналу анҳор.  
Яша, эй Инқилоб!

Нега яшнамасин ахир дала-боғ,  
Деҳқон ҳам бахтиёр, энди кўнгли чоғ,  
Яша, эй Инқилоб!

Ҳосил берди элнинг орзу ниҳоли,  
Халқнинг ўз қўлида бахти иқболи,  
Яша, эй Инқилоб!

Олтин сандиқларин очмоқда тоғлар,  
Кечалар чарақлар минглаб чироқлар.  
Яша, эй Инқилоб!

Само ҳам Ерга бош эгмоқ ўрганди,  
Қуёш нури сеҳру ҳикматга банди,  
Яша, эй Инқилоб!

Офтоб қучоқ очар, титрар булутлар,  
Парвозга отланса пўлат бургутлар,  
Яша, эй Инқилоб!

Инсонлар азмидан ёруғ бу жаҳон,  
Билимдон қилибди қизини деҳқон,  
Яша, эй Инқилоб!

Заминнинг боши ҳам етди нақ осмон,  
Иўқсиллар намоён бўлди бу замон,  
Яша, эй Инқилоб!

## **ИШЧИЛАР**

**Манглай теримиздир зар тожимиз ҳам,  
Куч-қувватимиз, дил хирожимиз ҳам,  
Бизнинг билак кучи—заводлар қони,  
Наинки қонидир, юраги, жони.**

**Фазоларда юксак парвоз қиламиз,  
Денгизларда шаҳдам суза оламиз,  
Табиатнинг очдик кошонасини,  
Фалак ўпди замин пешанасини.**

**Қоронғу дилларини равшан қилдик биз,  
Қуёшдан нур олдик, хандон кулдик биз.  
Токи биз бор экан, ишдадир ҳар чоқ  
Тарих қўлидаги болға ва ўроқ.**

# Сажжод Заҳир

## ЛЕНИН ҲАЛҚАСИ

*(1970 йил Ленин туғилган  
куннинг юз йиллигига  
бағишлаб ёзилган)*

Эллик уч йил бундан муқаддам,  
Ҳа,  
Эллик уч йил бундан илгари,  
У саналар эди гуноҳкор,  
Таъқибларда кечарди умри.  
Ҳокимларнинг топгани фақат,  
Унга раво кўрган жойлари  
Қамоқхона эди ягона...  
Гоҳо эса олис-олислар,  
Қор-бўронлар домига сургун,  
Гоҳо эса ватандан йироқ,  
Ер-дўстлардан тушарди айри...

Ёзар эди...  
Ёзган нарсалари  
Босиларди пинҳон, яширин,  
Чунки қаламидан томган ҳар бир сўз,  
Ҳар калом,  
Ҳар фикр,  
Ҳар бир ибора,  
Талончилик ва ўғрилиқни,  
Риёкорлик ва маккорликни,  
Бўхтонлару зулму ситамни,  
Беғуноҳлар қонини тўккан  
Қонхўрликни, истибдодни ҳам  
Кул қилмоққа қодир куч ила

Сочар эди қизил ҳақиқатнинг  
Еғду тўла шуълаларини!  
Қаламидан томган ҳар бир сўз,  
Қўтарар эзилган мазлум бошларин,  
Чақнатар кўзларда ишонч учқунин,  
Мазлумнинг тўзиган карвонларини  
Бирлик ва дўстликнинг ёлқини билан,  
Инқилоб, инқилоб лаваси билан,  
Пайвандларди аста,  
Оҳиста!  
Унинг қаламидан тушган ҳар калом,  
Инқироз чодирин йиртиб беомон  
Ғамзада йўқсилнинг сийналарида  
Тўфондек тўнтариш кўтарар эди,  
Томирда қонларни кўпиртар эди!

Амал ва кураш йўли  
Оғир ҳам мушкул,  
Мусибатнинг тўла тиконларига,  
Бало-офат билан безалган бу йўл,  
Шундоқ бўлмоғи-ку мутлоқ табиий,  
Шундоқ бўлса ҳам бу лозим-лобид йўл!  
Амал ва кураш йўли  
Аниқ ҳам аён,  
Чунки давримизнинг  
Донғил йўли бу,  
Буюк ва ягона ҳақиқати бу!  
Ҳақиқатни зўрлик билан,  
Фириб билан, маккорлик билан,  
Яширмоқлик мумкиндир бир оз,  
Ниҳон этиб бўлмас аммо мангуга,  
Тарих ғилдираги чаппа айланмас!

Одамзод бундайини гўзал орзуни  
Қўрмагандир ҳеч вақт, ҳеч қачон.  
Одамлар ичида,



Халқлар ичида  
Нафрату хусумат,  
Фитна, адоват  
Йўқолмишдир буткул, тоабад!  
Эл аро тинчлик бор, дориломон юрт,  
Бордир меҳрибонлик бир-бирига,  
Илтифот, иноят мавж урар ҳар он,  
Фараҳ водийсида яшайди инсон,  
Озод инсон тўкар манглайдан тер!  
Улуму фунуннинг улуғ ривожи  
Тўкин-чочинликка,  
Фаровонликка  
Яратаркан ажиб имконлар  
Борлиғимиз қилади гўзал,  
Руҳимизни айлайди равшан.  
Бас, инсон кечмишнинг қонли вароғин  
Ташлаб, очажакдир нурли саҳифа!

Лениннинг бу ёруғ орзуси  
Эллик уч йил бундан муқаддам  
Утмишди орзудан чин ҳақиқатга,  
Бу кун ул ҳақиқат исботи эрур!  
Сармоянинг очкўз савдогарлари  
Ҳамон бош суякдан ясаб минора  
Устида ҳаловат ҳамда ўлимнинг  
Қора байроғини тутиб туради.  
Аммо асослари титрайди энди,  
Улар турган замин ларза остида,  
Қўллари шол бўлар,  
Қирқилар изи.  
Чунки озод инсон қуршамиш барин!

Озод инсон,  
Бугун ҳақиқатнинг ҳам,  
Адолатнинг ҳамда социализмнинг

Тугин ҳилпиратиб баланд тутади,  
Кўҳна замин бўйлаб мағрур ўтайди!  
Инсонлар ясайди улугвор ҳалқа,  
Ҳур ҳаёт ҳалқаси улғаяр ҳар кун,  
Эллар орасида  
Кенгайиб борар  
Ленин ўзи тузган бу нурли ҳалқа!

## Ҳасрат Мўҳаний

### СОЦИАЛИЗМ ДЕИДИКИ...

Мен бор ерда гуллаб-яшнар ҳаёт-саноат, санъат,  
Мен бор ерда адолат бор, бордир дўстлик ва қудрат,  
Озод инсон ҳақ-ҳуқуқи жамиятнинг нафидир,  
Мен бор ерда бирлашур эл, бирлашур абад-абад.  
Социализм дегани бу—тартиб, тартиб, тартибдир,  
Мен бор ерда халқ фаровон, умумий эрур меҳнат.  
Инсон олға интиларкан бу шиддат зафар қучгай.  
Мен бор ерда адолатли тузум, яшнар жамият,  
Тафаккурни булғамагай лойқали ақидалар,  
Мен бор ерда дил ишончи илму ҳикматдир фақат.  
Асли дину тасаввуфдан қутиргувси ваҳшийлик,  
Мен бор ерда тинчлик боқий, бахт-иқболу саодат.  
Ҳасрат, билки, неки бордир барпо бўлди бемеҳнат,  
Мен бор ерда ҳамма-ҳамма унга ўқийдир лаънат.

## Жўш Малиҳободий

### КАРЛ МАРКС

Ассалом, эй Маркс, эй доно устоз,  
Одамзод бахтига буюк чорасоз!  
Бахтлар водийсининг боғбонисан сен,  
Ҳаёт бўстонининг посбонисан сен.  
Меҳнатнинг ларзакор кулгани сендан,  
Манглай тернинг амрит<sup>1</sup> бўлгани сендан.  
Таълимнинг тан олса бор олам бутун,  
Қиличлар қинидан чиқмасди букун.  
Дунёда яратдинг янги бир дунё,  
Сенга дунё боқар энди маҳлиё.  
Ташна эдик, «Сув» деб бердинг хушхабар!  
Эй, нон каби азиз, сўзи мўътабар!  
Ҳаммага бир хилсан — йўқ пасту олий,  
Ғариб бечорага дардкашу ҳомий.  
Сен—кўзгудан сайқал олар сангу тош,  
Эй нурсиз юзларга нур берган қуёш!  
Сопол косаларга сузгандинг шароб,  
Жоми жамшидларни синдирдинг шитоб!  
Эй сен, ғамзадалар бирлигин кучи,  
Эй сен, хисравларни енгган, енгувчи,  
Инсон ҳамдамию язид душмани,  
Дўстларни қўлловчи, ёвлар пушмони,

---

А м р и т—афсоналар бўйича абадий ҳаёт бахш этувчи ичимлик. *Тарж.*

Ривоят, чўпчакни олмагунг ҳеч тан,  
    Ҳамдардсан саргардон-сарсонлар билан:  
Бир олам нигоҳсан бенигоҳларга,  
    Кулоҳсан юз-минглаб бекулоҳларга.  
Йўқотдинг Ер узра тож ила тахтни,  
    Илк бор сен мазлумга беролдинг бахтни!  
Оташин жом тутдинг ҳиндга—биз ёққа,  
    Ўргатдинг оёққа турмоқ, юрмоққа!  
Ким тутса йўлингни яшнар, Россия  
    Олға, олға қадам ташлар, Россия!

## Соғир Низомий

### РОССИЯ

Яша, яша, Россия—жоннисорлар Ватани,  
Ўтдан-сувдан қайтмаган фидокорлар Ватани,  
Эй, дунёнинг жаннати, навбаҳорлар Ватани,  
Озодлик сирич очган мард сардорлар Ватани!

Сен—бирлик минораси, улуғворлик устуни,  
Сен—ҳаёт шарораси, алангаси, учқуни,  
Исбот этилган ажиб афсоналар фусуни,  
Эй, Ватан ғамин еган барқарорлар Ватани!

Янги тақдир яратдинг, тақдиринг нурларга жо,  
Истибдоду зулмни айладинг гўрларга жо,  
Мен ҳам васфингни этгум достону шеърларга жо,  
Сен асл мўъжизакор сеҳркорлар Ватани!

# Ҳемисингҳ Нагар

## ЛЕНИННИНГ ҚАЛБИ

*(Браж халқ қўшиқлари усулида)*

Уртоқ Ленин қалбин тутди халқига: «Ол» деб,

Шартта!

Сармоядор тимсолида одамхўр бўлди пайдо,

Сармоясини совурилди, ўзи бўлди хор,

Шартта!

Ер дардига шифо истаб келган пайғамбарлар кўп,

Фақат Ленин эшитди халқ зорини зор-зор,

Шартта!

Уни кўрган талончилар дир-дир титраб, қақшади,

Қўлга тушди эл кучини сўрган бадкирдор,

Шартта!

Тақдир, худо, масжид, ҳарам бўлди-қолди ўйинчоқ,

Зурон солар, шовқин солар оломон ночор,

Шартта!

Инсоният сендан олди ўлмас бир қурол, Ленин:

Қурашмасанг, Нагар, ҳаққинг топмассан зинҳор!

Шартта!

# Шри Шри

## ЛЕНИНГА ТАҲСИН

(1970 йил)

Ленинга дегайман таҳсин, фасона,  
Юз йиллик юбилей эмас баҳона.  
Туғилсайдим минг йил муқаддам агар,  
Унга бўлгай эди назмим сафарбар.

Орзу-умидимиз, ишончимиз у,  
Чўлпондек машъалу қувончимиз у.

Ленин мадҳияси доимо тилда,  
Мадҳияси тилда, ҳурмати дилда.

Баралла айтамиз, тингла, эй жаҳон,  
Маслак кўп, ва лекин—ҳақдан йўқ нишон!

Мана, ленинизм, коммунизм ҳам,  
Ростакам ҳақиқат шулдир, ростакам!

Сенга бўлсин мазлум ёниқ каломи,  
Ленин—ҳақиқатининг иккинчи номи!



# Суржит Ражпурий

## МАРИЯ АЛЕКСАНДРОВНА

Она!

Бундан ҳам азизроқ сўз борми ўзи?  
Инсон илк бор кўз очганда ёруғ дунёга  
Ушбу сўздир илк айтар сўзи.  
Меҳр истаб талпинаркан  
Чўзиб қўлчаларини  
Отмоқ истар ўзин она бағрига,  
Зеро, Она бағри уммоний меҳр!

Сен Буюк Онасан,  
Эй, Ленин онаси!  
Кўкрак сутинг билан  
Улғайтирган чоғинг Ленинни,  
Улғайтирдинг Инқилобни ҳам:  
Кўзларингдан оққан жолалар  
Бўлса ҳамки дарё-дарё, кўл,  
Ардоқладинг фарзандларингни  
Азоблардан чўчимадинг ҳеч!

Мунча теран қалбинг бор, Она!  
Сенинг ботир фарзандларингни  
Замон золимлари қилганда қамоқ,  
Кўргани боришни унутмадинг ҳеч,  
Хўрак олиб бординг,  
Ғояларни ҳам,  
Давронни титратмоқ орзуларин ҳам,

Умид-тилакларни  
Кўзлардан ниҳон  
Олиб бормоқни ҳеч,  
Унутмадинг ҳеч!

Сен ғамгинсан, аламли, танҳо,  
Тезроқ кўрақолсам, дейсан, ўғлимни:  
Жигарбадинг озодлигига  
Биласан, кимларнинг солганин кишан,  
Бевалик азоби эзади сени,  
Александр қатли сийнангдаги доғ.  
Ленинни сургунга йўллашганида,  
Тагин кўзларингдан ёш оқди, аммо  
Дош бердинг мисоли елдаги чироқ.

Бир кун полицайнинг бошлиғи деди  
Тиржайиб боқаркан, пичингли, аччиқ:  
«Ҳа-ҳа, фарзандларинг аълодан аъло...  
Улар яхшилигин айтмоққа сўз йўқ,  
Нақ бири-биридан ўтаман дейди,  
Мана бири турар дорнинг тагида,  
Аллақачон дорга тортилмиш бири,  
Мақтанса арзийди бешубҳа, ҳа-ҳа!..»  
Қандай буюк эди сенинг жавобинг!  
Бошлиқ ҳам ҳайратдан қолди анграйиб:  
«Фарзандларим билан мақтанурман, ҳа!  
Уларнинг тақдири—ғурурим, бахтим!»

Она!  
Ленин онаси,  
Инқилоб онаси!  
Шундоқ атамоққа сени, ҳаққим бор,  
Чунки инқилобга ҳаёт бердинг, сен,  
Жон бердинг, руҳ бердинг, қанот бердинг сен,  
Эй, Буюк Она!

# Суканта Бхаттачария

## ЛЕНИНЛАРДАН БИРИМАН МЕН ҲАМ<sup>1</sup>

Россиядек улкан диёрни  
Жабр, зулм лаънати босмиш...  
Аммо халқлар забардаст, пуркуч  
Улоқтирди истибдод тоғин!  
Йўл бошловчи раҳбар Лениннинг ўзи!  
Ленин талаб қилди  
Адолатни ҳаммадан аввал!  
Мана бугун жангда рус ўлкасининг  
Минглаб қишлоқ, шаҳарларида  
Озодликни ҳимоя қилар  
Минглаб жасур, мағрур ленинлар!  
Кўзларидан нурлар таралган  
Миллион-миллион ленинлар бугун  
Элтишмоқда ғалаба кунин!  
Зулм чангалида ҳали Ҳиндистон,  
Кўчаларни тутмиш мурдалар,  
Ҳар ёнда кезади очлик беомон,  
Бирлик йўқ, хаёлда—озодлик эса.  
Ажнабийлар зулмин занжири  
Безаб турар бўйинларимиз...

---

<sup>1</sup> Бу шеър 1943 йилда ёзилган. Ушанда Суканта энди 17 га кирган эди. Тўрт йил ўтгандан сўнг, 1947 йил май ойида навқирон шоир қалби уришдан тўхтади.

*Тарж*

Бу ерда ҳам аста, бамайлихотир  
Кураш майдонини тайёрлар Ленин:  
Ер куррасин ҳар бир кунжида  
Ленин қадамлари эшитилажак,  
Ленин қадамларин мағрур садоси!

Ленин ҳақиқати қонимда бугун!  
Заифликни табиатим ёқтирмайди ҳеч,  
Инқилоб уради томиримизда,  
Оловдай қалбимиз, гул умримизда,  
Шунда менга гўё туюлар, дўстлар,  
Гўё Ленинлардан бириман мен ҳам!

## Динанатҳ Надим

### БУ ВОҶЕА ЯҚИНДА БУЛГАН

Бу воқеа яқинда бўлган...  
Яқиндами? Қаерда? Қачон?  
Бир неча йил, ўн йиллар аввал  
Ҳув тоғларнинг у томонида,  
Ҳув дарёнинг у соҳилида,  
Биёбон, дашт, чўллардан нари  
Бир ўлка бор,  
Улкан мамлакат,  
Бу воқеа  
Шу мамлакатда  
Шу Ватанда юз берган, дўстлар.  
Улкан мамлакатда бор аҳли меҳнат.  
Забардаст ишчи-ю, жафокаш деҳқон  
Зулм чангалига эди вобаста,  
Истибдоддан бағри яра, қон.  
Чорасиз эди-ку бахти қора эл,  
Манглайига толе битмаган эди,  
Очлик азобида нимжон, чалажон  
Туғилган болалар бўларди нобуд,  
Ота-онасининг тиглаб бағрини..  
Мамлакат нообод,  
Вайрона сифат,  
На бир шинам шаҳар,  
На сўлим қишлоқ  
Бунда кўзларингни  
Қувнатар эди...

Ерлар серҳосилу олинган ҳосил  
Ёзда ёққан қордек бўларди ғойиб,  
Ундан қолар эди на бир из, асар...

Зулматли ўлкада

Етди-ю фурсат

Тўлиб меҳнаткашнинг

Сабр косаси

Оёққа турмоққа айлади қарор:

«Ё ҳаёт, ё мамот!

Ахир қачонгача ажалдан аввал

Ўлимга биз маҳкум этилажакмиз?

Тобакай тақдир шум, бўлғуси қаро?

Қачон ахир маъсум орзуларимиз

Табассум айлашиб боқарлар бизга?

Қачон отар ахир умидлар тонги?

Тобакай зулмат ўз тўрини ёйгай?

Бундоқ қорин тўйиб овқат емоқлик

Ҳайҳот, пешонага битганми ўзи?..»

Савол, савол, савол... Беҳисоб савол...

Шундоқ саволларга тутди-ю ўзин

Жавоб тополмади меҳнаткаш инсон!

Жавоб топмади-ю очилди кўзи,

Ташвишлар титратди шуур ва онгин,

Борлиғига тушди-ю ларза,

Дили ёниб қалқди оёққа!

Иродаси бўлди порлоқ бир машъал,

Қудрат ва ҳиммати кўрсатди кучин:

Бориб-келди замин нақ беланчакдек,

Шоҳлар бўлди ер билан яксон!

Халқ ҳам кўтарилди, ана,

Золимларнинг ранги гезарди,

Милтиқлар ҳам оғзин очди,

Наъра солди-ку тўплар,

Гўё Еру осмон чаппа айланар,

Аммо учқун ўлмас, сўнмас ҳеч қачон,  
Ердан чақнаб учар учқун осмонга,  
Учқун айлангуси чақмоққа бешак,  
Чақмоқ яшин бўлиб  
Барқ ургай аён,  
Уша учқун...

Уша учқун кутар эди вақт-соатини,  
Фурсати келди-ю қақшаган халқни  
Оловга, учқунга кўмиб юборди!  
Тўфон тинмиш эди, қўпди қайтадан,  
Қип-қизил шафаққа бўялди осмон.  
Замин обод бўлди, гуллар очилди,  
Бўйлар сочилди...  
Халқни йўлга солган ким эди ўзи?  
У доҳий Лениндир,  
Замон юлдузи!

## Маданлаъл Дидий

### УЧҚУНДАН ҚУЁШ

Урмон кезиб, қишлоқ кезиб,  
Уммон кечиб, дарё кечиб,  
Ой ҳам юлдуз тутиб қўлда,  
Фикр шамъасин алқаб дилда,  
Дунё орзу-армон билан,  
Умид билан борар инсон.  
Неча марта тушди дорга,  
Куйиб-ёнди неча марта,  
Умиди ҳам ҳолдан тойди,  
Йиқилди-ю турди шартта,  
Шартта турди йиқилганда...

Орқасига қайтгани йўқ!  
Маркс фикри—шамъа, учқун,  
Бора-бора бўлди қуёш.  
Умид қуёш бўлса, сўнмас,  
Беркитолмас асло булут,  
Тўса олмас йўлларини...  
Шу қуёшдан олиб мадад,  
Парканд-парканд айланг тамом,  
Парчалангиз занжирларни,  
Қишанларни беринг барбод!  
Зулмат чўкиб олган жойда,  
Тунлар мангу қолган жойда,  
Қуёш нури толган жойда,  
Замонавий Прометей,



Уз доҳиймиз Ленинимиз,  
Нигоҳимиз Ленинимиз,  
Бир-бир ёғду улашмоқда,  
Урмон кезиб, қишлоқ кезиб,  
Уммон кечиб, дарё кечиб..

## ЗУЛФИЯХОНИМГА

Тож каби олийшон  
Мармардай қурч хотира  
Қалбгинамга қуйиб қўйдингиз, қуллуқ:  
Камалак сингари товланиб рангин,  
Шеъримга хиромон  
Қириб келдингиз.  
Сиз—қўшиқ, сиз—вафо,  
Сиз ҳаёт ҳусни,  
Сиз тортган ғам-ғусса—ғуссаи вафо бу,  
Сиз чеккан изтироб  
Дилбар ва сулув!  
Кўздан оққан жола тўзонида ҳам  
Умид учқунлари порлагай мангу.  
Маҳшарда учрашар  
Видолашса ким,  
Эй танги, баҳодир халқ қизи, таҳсин!  
Эй, ғамда қолганлар ҳусни, чиройи!  
Нимадир мангулик вафо қиссаси?  
Толмас ва тойилмас инсоннинг руҳи  
Улимнинг устидан ғолиб келади,  
Вафо қиссасининг қаҳрамони ҳам  
Уша руҳ музаффар,  
Уша ғолиб руҳ!  
Сиз тортган ғам-ғусса—ғуссаи вафо бу,  
Сиз чеккан изтироб...  
Дилбар ва сулув!

Сиз мангу муҳаббат, мангу севгининг  
Дилларга ўт солган чиройдирсиз.  
Сиз вафо кўкини безаган юлдуз,  
Сиз вафо осмонинг  
Моҳ, ойдирсиз!

# Сиддхарта Саркор

## О Н А

Илк бор сени кўрганмиз биз,  
Дунёга кўз очган онимиз,  
Ва сўнг... яна бир бор кўрдик,  
Қамоқларга олиб кетганларида бизни.  
Горький улуғлаган, эй азиз она!  
Сен—тарихсан,  
Сезасанми, бу кўҳна олам  
Нимагадир мунтазирдир, интиқ, интизор?  
Буни нозик қалбинг  
Сезмасми ахир?  
Сендан яна бир бор  
Узр сўрайман,  
Ҳали ҳануз дилда  
Шундай бир армон:  
Нега англай олмадик  
Леонардонинг  
Монна Лизасини биз?  
Калидасининг  
Шакунталасини биз?  
Бугун яна интизормиз  
Сенга, эй она!  
Сезилмоқда мунгли-мунгли хўрсинишларинг,  
Бангладешда,  
Вьетнамда гоҳ,  
Олис Чилида.

У ерларда кўрмоқдаман сени, эй она  
Сенинг азминг,  
меҳнат туққан  
икки қўлингни.

Озодлик ва  
тараққиёт курашларида  
Гвинея-Бисауда,  
Сомалида ҳам,  
Эй, бизларга ҳаёт берган зот!  
Тингла, сенга айтар сўзим бор:  
Тўхтамоқ нимадир,  
тинмоқ нимадир,  
Етти ухлаб тушда кўрмаганмиз биз,  
Сенинг номинг билан,  
Эй, буюк она,  
Улкан курашларга  
Отланганмиз биз,  
Изминизда ёлғиз  
Шиддат ва суръат,  
Кўнглимизда ёлғиз  
Умиди зафар!

## • Нарендра Шарма

### ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ЕҒДУСИ

Замонлар ҳайқирган зулмга қарши  
Россия ҳуррият ўтини сочди.  
Борлиқни титратди, инқилоб марши,  
Башар тунд уйқудан кўзини очди.

Оч эл инқилобга мамнун қўл сунди,  
Қулади зиндонлар, битди истибдод.  
Нотавон миллионлар кўзига энди  
Бир зарб билан кулиб қаради ҳаёт.

Ҳайқирди Русь эгик бошин кўтариб:  
«Дўстлар! Учқун сочди ўша, ўт, олов!  
Қизил юлдуз бўлиб дунёлар сари  
Ёғду сочар энди, дош беролмас ёв!»

Инсон бахтидан шод сезаркан ўзни,  
Қайда яшамасин—ҳар он, ҳар нафас,  
Зулматни сўндирган қизил юлдузни  
Жондан азиз тутар, билар муқаддас!

# Арш Малсиёний

## ЛЕНИН

...Одамларга бермоқ бўлиб дарси муҳаббат,  
На ақл-ла йўқотдилар жаҳолат, нафрат,  
Илм йўлин кимки тутди—гуллар очилди,  
Зулм йўлин кимки тутди—қонлар сочилди.  
Инсон руҳи азоблардан қутулолмади,  
Фаровонлик манзилига халқ етолмади.  
Сас берганда ҳақ, уйғонди ҳаётнинг сози,  
Ҳақ ўлганда буткул тинди нажот овози,  
Кўҳна жаҳон аҳволи эди кўп хароб,  
Не-не пайғамбар келди қўлида китоб.

Ниру Чингиз нишонлари бўлди сарбаланд,  
Очлар эса очлигича қолди занжирбанд,  
Қаён боқма, подшоҳлар уруш қилади,  
Қаж кулоҳлик салтанати хуруж қилади,  
Ҳеч ким одам заволига топмади илож,  
Меҳнат қилса ҳамки ишчи қолди яланғоч.  
Гавҳар ила зар хирмонин хўжайинлари  
Одамни ҳеч писанд қилмас, йўқ тайинлари:  
Мусолар кўп, аммо бундан бир наф бўлмади,  
Қи ҳеч бири ҳақни Турда кўрсатолмади:  
Ҳаваспараст азалдан шоҳлар олами,  
Ҳеч авжидан тушмади тожлар олами...

Хуш фикрли бир зўр инсон келди жаҳонга,  
Раҳму шафқат кўзи билан боқди замонга:

Деди: «Мутлоқ рост эмасдир бундайин низом,  
Ки унда йўқ чин меҳнатга иззату икром.  
Қаро терга ботган ишчи иссиқ нонга зор,  
Қадим, кўҳна замон эса нурга интизор,  
Зар, сармоя фириби, бу—катта фирибдир,  
Фириблиги ниҳон эди, сир очилибдир.  
Баски, ортиқ яшай олмас ишчи бу йўсин,  
Инкор этиб барин, мағрур, гердайиб юрсин!»  
..Гулшанларнинг хуш бўй атри келар ҳар ёқдан,  
Ки пайғамбар туғилмишди ушбу тупроқда!

Янги жаҳон халқига ул айлади хитоб,  
Ушбу хитоб, хитоблардан туғди Инқилоб!  
Шарт кўтарди ол байроқни, курашларга ғарқ,  
Худоларни тан олмас у, шунинг билан ҳақ.  
Чор зулмидан, подшоликдан қолмади нишон,  
Чаманларга келди баҳор, яшнади жаҳон  
Ҳар тарафда ҳур тинчликнинг ғунчаси яшанг,  
Тенглик аҳди уйғотади дилларда оҳанг.  
Россиянинг эмас ёлғиз, оламники ул,  
Эрка ташна минг-минг бани одамники ул.  
Бирор ишга қўл урса у, камоли ўрнак,  
Унга хосдир фақат олға, олдинга юрмак.  
Янги тузум, янги даврон, карвон боши ул,  
Амал сирин билган оқил замон боши ул!

Хато кетмас ўқ отганда ҳиммат камони,  
Қамол топар ҳиммати зўр Ленин замони!



# Абдул Воҳид

## ҒАЗАЛ

Азму ҳиммат бор эди Лениннинг жоҳларида,  
Ишчи хон кўрди ўзин иқбол паноҳларида.

Кийгизди давлат тожин ишчи бошига доҳий,  
Елғиз надомат қолди замона шоҳларида.

Бир замонлар нонга зор йўқсил улўғдир бугун,  
Номи нақш этилмишдир осмон моҳларида.

Россиядан сурганда сармоядор тўдасин,  
Тўфон кучи бор эди ишчининг оҳларида.

Шарқда қирмизи шафақ, булутлар алвонланур,  
Кўриб кўрқувлар пайдо Ғарбнинг нигоҳларида.

Эй, Ҳиндистон ишчиси, қадамингни олға бос!  
Ортиқ эзилмас ҳеч ким зулм манзилгоҳларида.

Эл тақдирин ўзгартгай бир кун ул, гарчи ҳозир—  
Юролмагай ҳаётнинг тиканли роҳларида!

## Ибрат Бахрайчий

### УЛУҒ ЛЕНИН

Инқилобнинг офтоби эди Ленин,  
Ишчиларнинг зўр китоби эди Ленин:  
Сармоялар тузумига қирон солган,  
Қурашларнинг жарангтоби эди Ленин.  
Замонанинг оламтоби эди Ленин,  
Жумбоқларнинг зўр жавоби эди Ленин:  
Бор вужуди азму ҳимматдан иборат,  
Зафарларнинг чўнг хитоби эди Ленин.  
Улуғлардан улуғ бир ном эди Ленин,  
Саодатманд ва хушкалом эди Ленин.  
Қадим Волга водийлари, бўйларида  
Бир раҳбари олий мақом эди Ленин.  
Бечоралар дўсти-ёри эди Ленин,  
Дил сукуни, дил қарори эди Ленин.  
Куз совуғи уролмаган боқий яшил,  
Баҳорларнинг навбаҳори эди Ленин.  
Инсонларнинг баркамоли эди Ленин,  
Орзу, армон ва омоли эди Ленин,  
Бутун олам, коинотни ром этолган  
Буюкларнинг бемисоли эди Ленин.  
Жаҳон узра баланд парвоз эди Ленин,  
Қутлуғ мақсад, кучли овоз эди Ленин.

Курашларни тошқин йўлга бура олган,  
Чорни енгган хўп наърасоз эди Ленин.  
Бир ғояи жовидона эди Ленин,  
Олам ичра зўр, ягона эди Ленин.  
Истибдодга қарши жангу курашларда  
Олий қудрат куй, тарона эди Ленин!

# Жон Нисор Ахтар

## ТАНЯ!

Дилимда изтироблар мавж уради беадад,  
Ларза солар борлиққа бу аччиқ изтироблар...  
Сувратингга қарасам, жажжигина қизчасан.  
Хайҳот, қўлимга тушди дунёга тенг дафтаринг,  
Ҳа... Кундалик дафтаринг...  
Кундалик дафтарингни  
Ҳар очганда титрайман,  
Оҳ чекаман,  
Бағрим тутаб кетади,  
Ҳар вараққа ёзибсан бирма-бир тарих,  
Тарихки, жаҳоний алам мужассам:  
«Дунёдан кўз юмди бугун амаким...»  
«Дадажоним эса ўлдилар бугун...»  
«Бугун опамлардан этдилар жудо...»  
«Бугун қатл этдилар оғамни...»  
«Онажонимдан ҳам айрилиб қолдим...»  
Бугун ёлғиз ўзим қолдим, бир ўзим...»  
  
Сен бугун узоқ йўл босиб ўтдинг, эҳ-ҳе,  
Вақт ҳам қолиб кетди етолмай сенга!  
Кечиб ўтдинг қон дарёсини,

---

<sup>1</sup>Марҳур урду шоири Ж. Н. Ахтар Ленинграддаги музейда 8 ёшлик қизалоқ Танянинг Ленинградни фашистлар томонидан қамал қилинган даврда тутган кундалик дафтарини кўриб, таъсирланиб ушбу шеърни ёзган эди. (Тарж.)

Беҳисоб мурдалар устидан ўтдинг,  
Қирғинли майдонлар бўйлаб ўтдинг сен.  
Ҳаттоки бугун ҳам эшитилмоқда  
Сенинг маъюс овозинг, Таня,  
Ўз-ўзингга айтган аламли сўзинг:  
«Бугун ёлғиз ўзим қолдим,  
Бир ўзим...»

## Аҳмад Мужтабо Вомиқ

Зоя

*1941 йил декабрь ойида немис фашистлари  
18 ёшлик бир партизан қизни дорга осиб  
ўлдирдилар. Унинг исми Зоя эди.*

Фитна булутига чулғаниб фашист  
Зимистон қаърига ботиб бормоқда.  
Фитна йўл-йўлакай ишора бериб,  
Улиминг яқин, деб айтиб бормоқда.

Аmmo...

Аmmo латиф, гўзал, хумор бир қизни  
Осдилар ватанни севгани учун!  
Муҳаббат кўрқмади ўлимдан ҳаргиз  
Интиқом илдизин титратиб бутун!

Олам шамоллари, бир нафас тўхтанг,  
Бу маъсум қон сизга бўлсин у машъал,  
Ўт қўйинг ваҳшийлик дарахтига сиз,  
Ёзинг уфқларга Зоянинг исмин,  
Ҳар битта ҳарфини айлабон зарҳал,  
Шавкатли номига берингиз сайқал!

*14 март, 1943 йил*

## БУ—ИШЧИЛАР ЛАШКАРИ

Бу ким? Еру сув демай тинмай жўшиб қайнаган?  
Бу ким—қонли тўфонда қўрқмай қайиқ ҳайдаган?  
Бу ким бахт-саодат деб жонин нисор айлаган?

Бу—ишчилар лашкари,  
Бу—буюк халқ жангида  
Деҳқон лашкари!

Ҳар қатра қон баҳоси эрк деган туйғуга тенг,  
Инсонга бор муҳаббат уфқи уфқдан ҳам кенг,  
Ватанни қўриқлайди ҳар аскар мисли шер денг,

Бу—ишчилар лашкари,  
Бу—буюк халқ жангида  
Деҳқон лашкари!

Бу ўшадир, фашистлар узра қирон солғувчи,  
Уз кучи, қудратидан қалбга ишонч олғувчи,  
Фарзандлар билан мағрур Ерда мангу қолғувчи

Бу—ишчилар лашкари,  
Бу—буюк халқ жангида  
Деҳқон лашкари!

Майдон аро бемисол чаққон эпчил қилар жанг,  
Унинг шахд-шиддатидан аҳли душман ҳангу манг,

Аскар ҳаммаси улуғ, шоир шеъри сержаранг,  
Бу—ишчилар лашкари,  
Бу—буюк халқ жангида  
Деҳқон лашкари!

Ер юзидан фашистни йўқотгусидир булар,  
Зулмни адам чоҳига шарт отгусидир булар,  
Эрк қўшиғин жаҳонга таратгусидир булар,  
Бу—ишчилар лашкари,  
Бу—буюк халқ жангида  
Деҳқон лашкари!

*2 февраль, 1944 йил*



# Валлатхөл

## ЛЕНИН МАҚБАРАСИДА

Париж кўрки, Лондон улуғворлиги  
Нью-Йоркнинг салобати ҳам  
Бари мужассамдир,  
Бари мужассам  
Еигта Москванинг ўзида.  
Ана, Москвага боқинг:  
Зўр шаҳар  
Мафтун қилар кўзларингизни,  
Фараҳ билан айлар дилингизни шод.

Москва.  
Қизил Майдон.  
Шаҳдам қадам ташлаб борар одамлар,  
Ленин мақбарасини қилур зиёрат.  
Мақбара ичида ётибди ана  
Чироқ нурларига кўмилиб Ленин.  
Чеҳраси мусаффо тонгга ўхшайди.  
Ўхшайди?! Йўқ, асло, у—тонгнинг ўзи,  
Шундоғам шуъладор мунаввар тонгки,  
Россияни озод қилган зулматдан,  
Мудроқлар кўзидан қувлаган уйқу!

Бу муқаддас даргоҳ,  
Шарафли маскан  
Мен учун бир зиёратгоҳдир,  
Юртдошларим учун зиёратгоҳдир.

Доҳий ўлган. Аммо биз биландир у,  
У биз билан борур ҳамқадам.  
Табаррук пойига гуллар саралаб,  
Гуљчамбарлар қўйдик эгиб бош.  
У гулларни боғда еллар ўстирган,  
У гулларга нур тўккан қуёш.

Гарчи ўлган деймиз биз уни,  
Ўлганига талай йил бўлди, деймиз,  
Аммо жасоратли бу инсон тирик.  
Келажакка боқар ўткир нигоҳи,  
Кўзи юмуқ, аммо буюк-да, буюк!  
Олам иқболига ташлайди назар,  
Ёруғ чаманларни кўради унда.  
Истиқбол машъалини ёниқ кўради!  
Қаранг тушириғлик иккала қўли,  
Мамлакатни бошқарган қудрати зўр қўллар бу,  
Чор зулмидан, аламлардан қутқарган қўллар!

Ленин тенглик тимсолидир,  
Россияни ёшартди  
Жозибали ҳарорати билан Қуёшнинг.

Ҳиндистонда—Ганди доҳий,  
Ой мисоли мулойим, сокин,  
Сатяграҳа! ойи—у.  
Биз учун Ленин, Ганди—  
Бири қуёш, бири Ой,  
Зулму зулматлардан этгувчи халос.  
Бири жаҳон жароҳатларин  
Айламоққа кўзлардан ниҳон,

---

1«С а т я г р а ҳ а»—луғавий маъноси ҳақиқатни қўл-  
киритиш, демакдир. Инглиз мустамлакачилигига қар-  
и М. К. Ганди бошлаган ижтимоий-сиёсий ҳаракат  
эми. (Тарж.)

Подшолар қасрининг зар пардаларин  
Тилка-пора қилиб йиртиб ташлади,  
Иккинчиси эса жароҳатларга  
Қўйди озор олар шифои малҳам.  
Иккиси баҳодир, ҳар икки инсон  
Зулму ситамларга эрур беомон!  
Ташқарида,  
Сал нарироқда,  
Мақбаранинг икки ёнида,  
Ярақлаб кўринар мрамор супалар,  
Мрамор атрофини  
Қоплаган майса;  
Супалар остида олишар ором,  
Мангулик ҳордиққа мойил жангчилар,  
Озодлик жангида жонларин берган  
Буюк фидокорлар,  
Зўр курашчилар!  
Эй, буюк жангчилар руҳи, тинч ёгинг,  
Бунда сиз абадий уйқудасизлар,  
Мангулик ўглари сизни буркамиш,  
Майсалар бежамиш масканингизни.  
Аммо билингизким, Ватанингизда  
У сизни чорлаган майл, истаклар,—  
У сизни куйлатган орзу-умид, ўй  
Янгидан уйғонар мисли чечаклар!  
Ҳеч кимда ғусса йўқ,  
Бекорчи ҳам йўқ,  
Барҳам берилмишдир саводсизликка,  
Миллионлаб жужуқлар бахтиёр, қувноқ  
Ташвишсиз яшайди, ғамхўрлари бор  
Тенг ҳуқуқли эрур эркак ва аёл,  
Барин мақсади бир,  
Бирдир тилаги.  
Яша эй Россия, омадли диёр,  
Яша адолатнинг  
Буюк тираги!

# Маҳдум Муҳиуддин

## МОСКВА

Жабрдийда ҳинд халқидан  
Салом қабул эт!  
Эй, ўртоқ Москва,  
Пайғом қабул эт!

Еттинчи ноябрь биз учун маёқ,  
Курашларда қон тўкамиз эрк-чун ҳамиша.  
Биз сен томон интилгувчи, қўл чўзгувчимиз,  
Бутун дунё халқлари-ла жипслашиб маҳкам,  
Янги ҳаёт қўшиғини куйладинг мангу.  
Минглаб чироқ, машъал ёқдинг бу олам ичра,  
Олам ичра иш-амалинг қолди устивор!

Жабрдийда ҳинд халқидан  
Салом қабул эт!  
Эй, ўртоқ Москва,  
Пайғом қабул эт!

## ҚУТЛУҒ БҮЛСИН

(Юрий Гагаринга)

Қутлуғ бўлсин, эй ерлик сайёҳ,  
Кўк сиридан айладинг огоҳ,  
Фалакларнинг қаърига учдинг,  
Замин-замон занжирин ечдинг.  
Шамолдан тез, фазодан баланд,  
Ой-юлдуздан, самодан баланд  
Парвозингдан лол юлдузлар-да—  
Чехрасидан кўтардинг парда.  
Зулфларини силадинг майин,  
Кўкка парвоз қилганинг сайин.  
Инсоннинг қалб уришин шитоб  
Бор коинот тинглади ҳисоб!  
Қутлуғ бўлсин, эй ерлик сайёҳ,  
Кўк сиридан этавер огоҳ,  
Фалакларнинг қаърига боз уч,  
Замин-замон занжирларин еч!

# Шамим Корҳоний

## ҚИЗИЛ ФАЗО

Оҳ, қанчалар инсонга меҳру вафо ёқади.  
Менга Россиядаги қизил фазо ёқади.

Бунда ким аҳд айласа, жон нисор этгай тамом,  
Аҳил элда яхшилик, завқу сафо ёқади.

Ёшлари қўрқмасу мард, тик боққай ўлимга ҳам,  
Ҳаётни севмоқ деган буюк маъно ёқади.

На керак совуқ шамол? Бошин тиккан ошиққа  
Дарду тиг кўчасида иссиқ ҳаво ёқади.

Шодликда бирга бари, ғамда ҳам айру эмас—  
Ҳаёт, ушбу удуминг жуда аъло, ёқади!

Инқилобнинг йўлида ҳаёт раҳбаридирсан,  
Иш оламида сендек бир раҳнамо ёқади.

Курраи олам хусус бор хилма-хил оҳанг, куй,  
Аммо карвонинг чалган бу шўх наво ёқади.

Ҳаётинг пойидордир, ҳам ёшлигинг абадий,  
Фанони ўйламайсан, сенга бақо ёқади.

Шамим, чекмагил сен ғам хуррамлик тонги яқин,  
Россиядек зафарнинг наъраси, бонги яқин.

# Нирала

## ТЕЗ ҚАДАМ БОС!

Тез қадам бос, олға, олға бос!  
Бугун бойлар қасрларида  
Деҳқонлар-чун очилур мактаб,  
Парчалаб зулм занжирларини,  
Дўкандору косиб, ҳунарманд  
Фан чўққисин эгаллар энди.  
Одамлари алдаган маккор  
Савдогару судхўр уйида  
Очилгуси деҳқон банклари,  
Бу, билингки, аниқ ва аён!  
Ҳамма бор мулк юртники бўлсин,  
Битсин юртда бало-офатлар!  
Халқ Ватанни севсин қалбидан!  
Гар топилса, ўртага агар.  
Қин-адоват эккувчи кимса,  
Тирноқ тагидаги зирапчани бот  
Игна билан олиб ташлаганидек,  
Олиб ташласинлар уни ҳам шартта!

Тез қадам бос, олға, олға бос!

## Ал-Носир Али Носир

\* \* \*

Синган омоч жаранги кенг жаҳонни тутгувси,  
Сармоядор гум бўлар—шундай дейди ҳамият.  
Дунёни тинч қолдирмас Инқилобнинг қутқуси,  
Чок-чокидан сўкилур бу фарсуда жамият!



## Шуриш Сиддиқий

\* \* \*

Неча кунким, бир жумбоқ мени қийнамоқда-ку:  
Гул ҳаётнинг домани чок-чок йиртилмиш нечун?  
Қуллик ила ожизлик, ночорлик белгиси бу,  
Шундан бойлар иши беш, боши узра ёруғ кун.

# Сумитранандан Пант

## ХАЛҚ ИНҚИЛОБИ БАЙРАМИ

*(Ҳиндистон Компартиясининг  
50 йиллигига  
бағишлаб ёзилган)*

Қачон, қачон юз бермиш бу буюк воқеа?  
Юз бермишди ярим аср бундан муқаддам,  
Тарих ошиб буюкликнинг доволаридан  
Юрт қалбида бир инқилоб бўлиб туғилди,  
Адолатсиз асрларнинг гирдибодидан,  
Зулматидан инсонларни айлади озод,  
Энди юртда қурилгуси янги жамият,  
Ул жамият асоси-чи—

Тенглик ва ҳурмат.

Қон дарёси оқар ҳали ҳам, тинмас,  
Ўт билан ўйнашмак хавфли бир ўйин,  
Ўйиндан ҳар доим ўқ чиққан ахир,  
Тақдир эса мудҳиш, қўрқинч бир нарса,  
Олдимизга ташлар не-не тўсиқлар,  
Тўсиқлар мисоли тоғлардай йироқ,  
Аммо ҳаммасидан  
Ўтамиз албат.

Инқилоб уфқида отар янги тонг,  
Бахт кулиб боқади халққа, инсонга.  
Бойлик, ҳокимият халқники бўлгай,  
Ҳаёт кўрки, турмуш лаззати, тоти  
Буюк халқ курашин самари ахир!  
Янги қуёш чиқар, қутлар ҳамма бир-бирин,  
Жаноб Тенглик нурларига кўмилар борлиқ!  
Дард-азобдан фориг бўлган чехралар гулгун,  
Илк бор янги ҳаёт бизда бошланар букун!

## Ахтар Ҳабиб Хок

\* \* \*

Туннинг пардасин йиртиб чиқди қип-қизил қуёш,  
Еришди гардуни дун нурга беролмай бардош.  
Зулматда адашганлар ўз йўлин топиб олди,  
Нур ҳаммага баробар, баҳра олар кекса-ёш!

# Шамшир Баҳодир Сингҳ

## СЎЛ, СУЛ!

Сўл қадам,  
Сўл қадам!  
Сўл қадам,  
Сўл қадам,  
Коммунизм даври бу!  
Зулмат энди қутурмас,  
Ўтмиш қайтмас тоабод.  
Кураш, енгил ишқидан,  
Дилнинг ёнар даври бу!  
Иккиланмоқ, тевсалмоқ—  
Нотовонлик тимсоли;  
Оламга йўл кўрсатар  
Ишчи кўтарган машъал.  
Учқунланар, товланар,  
Нур сочар гулгун-гулгун.  
Машъал йўлин тўсар ким?  
Топилмагай бирон куч!  
Кўҳна ҳинд диёрининг  
Бу куни ҳам эртаси,  
Маркснинг оламшумул  
Даҳоси-ла ўлчанур!

Сўл қадам,  
Сўл қадам,  
Коммунизм даври бу!  
Улуғ мақсад йўлида

Аямасдан борини  
Қураш қураш жангавор  
Қалби ўт ёшларимиз!  
Жумҳур баҳодирлари,  
Меҳнаткаш ўғлонлари,  
Бирлик ҳам тенглик деган  
Озодлик посбонлари,  
Сизга доим зафар ёр!  
Гарчи йўлда хатар бор,  
Фақат олға босади  
Улуғ мақсад лашкари!

Сўл, сўл қадам даври бу,  
Коммунизм даври бу!  
Сўл қадам!  
Сўл қадам!

# Рана Балвант Сингх

## ОРЗУ БИЛАН ОЛҒА БОС!

Пиру жавон, олға бос!  
Ишчи деҳқон, олға бос!  
Замон, замон, олға бос!  
Фашистларни гум қилиб  
Қизил нишон, олға бос!  
Орзу билан олға бос!  
Илонлар ўлгану болалари кўп,  
Ўлканинг танида яралари кўп.  
Инида бекиниб, захр тўплаган мор  
Ишчининг қонини сўрмоқ истар хўп.

Эй Ҳиндистон, олға бос!  
Ҳинд-мусулмон, олға бос!  
Сикх ўғлон, олға бос!  
Фашистларни гум қилиб,  
Қизил нишон, олға бос!  
Орзу билан олға бос!  
Ҳинд туғи—ол байроқ балқир ёнма-ён,  
Юрт озод, кураш кўп, кураш беомон.  
Янги ниқоб кийган фашистлар бугун,  
Беҳуда уринар қолмоққа пинҳон.

Ленинчилар, олға бос!  
Гандичилар, олға бос!  
Чўнг қаҳрамон, олға бос!  
Фашистларни гум қилиб,

Қизил нишон, олға бос!  
Орзу билан олға бос!  
Қуёш чиққан, булут, қоронғулик бор,  
Тонг йўлига тузоқ қўймиш ёв бадкор.  
Оҳ, не-не лофчилар тўлдириб оғиз  
Ватанимга қарши кезар фитнакор.

Эрк—зўр дoston, олға бос!  
Тиру камон, олға бос!  
Эй, қурбон жон, олға бос!  
Фашистларни гум қилиб,  
Қизил нишон, олға бос!  
Орзу билан олға бос!  
Яна фитна бошлар душман кўп айёр,  
Камбағал халқни оч қўймоққа тайёр.  
Ишчилар ҳақини қисишар доим,  
Жумҳур қонунига бу мосмас зинҳор!

Сенгадир шон, олға бос!  
Мазлум инсон, олға бос!  
Дориломон олға бос!  
Фашистларни гум қилиб,  
Қизил нишон, олға бос!  
Орзу билан олға бос!  
Бизни ажратолмас динлар девори,  
Бунга қодир эмас кучларнинг бори.  
Бешубҳа йўқолгай капитализм,  
Порлар эрк офтобин тиниқ рухсори!

Жўш! Қизил қон, олға бос!  
Дашту ёбон, олға бос!  
Чўнг паҳлавон, олға бос!  
Фашистларни гум қилиб,  
Қизил нишон, олға бос!  
Орзу билан олға бос!

# Ҳасрат Кҳатўлвий

## ҒАЗАЛ

Кимсалар ким тўфонлар ичра юрганин кўрдим,  
Ким замона йўлини буриб турганин кўрдим.

Буюк қаҳ-қаҳа отдинг, худо барига шоҳид,  
Жаҳонларнинг нафаси ичга урганин кўрдим.

Қаро кунда нетайлик душмандан умид айлаб,  
Ҳатто дўстлар юзини четга бурганин кўрдим.

Хуш келмади гул узра титраган дурри шабнам,  
Гулюзлар узра кўз ёш мажлис қурганин кўрдим.

Жомлар ичида сози ушбу эрур, эй Ҳасрат,  
Ким ичинда булоқлар жон уфурганин кўрдим.



## Эъжоз Наби

### ИШЧИ

Утди не-не асру замон, сонсиз қуёш яратдим,  
Аммо ўзим кулбам аро қоронғуда тош қотдим.

Гарчи нурни яратурман, вале қандоқ чора бор,  
Қи умримда нур излайман, савоқ ипдай нурга зор.

Рангин чаман бўй уфурар, бўйки ажиб, ҳар сари,  
Мен куну тун тин билмайман, шу меҳнатим самари.

Тақдиримни машъум дебон нола чекмам иркилиб,  
Гарчи менга насиб эрмас меҳнатимнинг бир гули.

Мен борманки, маданият чароғи балқиб ёнар,  
Мен бўлмасам санъат қайдан пайдо бўлар, уйғонар?

Ўзим юпун-яланғочман, аммо бунда бор ҳисоб,  
Чунки сенга тўқиганим—шойи атласу кимхоб.

Шому саҳар гул терарман ўзгаларнинг кори деб,  
Ўзимга-чи, тикан тердим, не тонг, шу-да, бори, деб.

## Мирзо Шуҳрат Деҳлавий

\* \* \*

Ҳақиқатман ярқироқ мен замона қошида,  
Кўп машаққат, азоб бор мендек ишчи бошида.  
Аммо ишчи номим зўр, ночор эмасман, Шуҳрат,  
Қи мен—дунё сирдоши, ҳаётнинг дарддоши-да!

## Нандкишор Навоб

### ҚУШИҚ

Олдимизга ким тушса улоқтириб отамиз,  
Инқилоб—хитобимиз, ғофилни уйғотамиз.

Мақсадимиз устивор, ундан кучли ирода,  
Ваъдага вафо қилиб зўрмиз бизлар дунёда.

Биз соямас шуъламиз, ўқ отмоқни биламиз,  
Ҳар нарсага қодирмиз, душманни кул қиламиз.

Душман қасрин қулатиб йўқлик сари сурамиз,  
Минглаб бош кесган золим келсин, қани, кўрамиз!

Йўлимизда ёвларни шартта-шартта отамиз,  
Бизни йиқмоқ бўлганнинг ўзини йўқотамиз!

# Гажанан Мадҳав Муктибўдх

## ЕМИРИЛСИН САРМОЯДОРЛИК!

Шунча қудрат, шунча шиддат, шунча донолик,  
Шунча илм, маданият, шунча рўшнолик,  
Шунча тақво, шунча тоат, шунча ибодат,  
Гўзаллик ҳам, ранг-баранглик, художўйлик ҳам,  
Афсоналар, миш-миш гаплар, фитнес-фасодлар—  
Бари ёлғон, бари ёлғон, барчаси ёлғон.  
Улкан нурли ҳақиқатни яширмақ учун  
Уша порлоқ ҳақиқатнинг йўлида пинҳон,  
Тубан ётган сирли гўзал тузоқдир бари!

Тинглагил, эй сармоядорлик!  
Сен яратган ипақдек мулоим  
Маданият кўзлари кўрдир.  
Нафратимга нишон бўлмақ сенинг насибанг,  
Ҳақиқатга қаршисан сен, қонингда шу бор.  
Олган нафасингдан туғилар газаб,  
Кулгингда қотиллик уруғлари бор.  
Тўхтатмоқ истайсан селоб, бўронни,  
Муқаррар ўлимнинг сени қўрқитар.  
Ҳаттоки ўлмоқлик сенгадир даҳшат,  
Ўлмоқ талвасадан иборат сен-чун!

Мен эса, қўлимда машъалим ёниқ,

---

1 Сармоядорлик—капитализм (тарж.)

Зулматлар бағрини тилиб бораман.  
Сен ўлим, бўшлиқсан, йўқлик тимсоли,  
Интиласан фақат ўлимнинг томон.  
Менга ғалаба ёр борар йўлимда,  
Сенга йўқ омон!

## Зафар Азмиё

\* \* \*

Агар зулм кучайса, золимлар йитар,  
Золим гул ўстирмас, ўстира олмас.  
Туннинг ўзи нурли саҳардан хабар,  
Зулмат нурни тўсмас, тўстира олмас!

# Содиқ Деҳлавий

## ТҶРТЛИК

То умр пул, давлат-ла ўлчанар бутун,  
Бу ҳаёт ғам-аламда тўлганар кун-тун.  
Нечун бойлар каломи, номи, эй худо,  
Ишчи тақдирига раб булар нечун?

# Ашҳар Азмиё

## ҲОСИЛ

Кун бўйи жазирама офтобда  
Тер тўкаман реза-реза, ишлайман,  
Терга ботган уст-бошимни кечқурун  
Бураб-бураб сиқиб ташлаганим чоқ,  
У зардобнинг битта, битта томчиси  
Кун бўйи болғалар аро яшаган  
Ҳаётимнинг қинғир-қийшиқ чизиқларига  
Оқиб тушар,  
Тушар-да,  
Лабин ҳўллаб,  
Қора пардаларга ўраб юзини,  
Минг-минг асрларнинг гирдибодига,  
Замонлар қаърига сингиб кетади.  
Уша—курашимнинг берган ҳосили.  
Уша—излаганда топганим фақат.



# Салоҳиддин Найяр

## ҲАЁТ

Эй, ҳаёт!

Гадой қўлидаги косага монанд  
Тобакай сен аҳли карам остонасида  
Бамисоли нурсиз чироқ мустар турасан?  
Гадо назарлар кўп, сонсиз, беадад...  
Жасорат чашмидан сочилган нурдек,  
Субҳи сабо мисол ўтиб бораман,  
Чаман қидираман, гулзор излайман,  
Қанча йўллар босиб ўтаман-да мен.  
Аммо сен,  
Аммо сен шаҳарнинг шовқинга тўла,  
Суронлар солгувчи кўчаларидан  
Чаманлар қидирмай,  
Гулзор изламай,  
Шафқатсиз,  
Шафқатсиз ўтиб борасан,  
Ҳаёт!

## Воҳид Премий

\* \* \*

Ғамнинг шабрӯ тунида ой мисоли юрсанг-чи,  
Ҳаёт—кўп қисқа неъмат, бир ишга қўл урсанг-чи!

Орзу ила рўёлар чаманида кездинг, бас,  
Энди ҳақ, ҳақиқатнинг шаҳрини ҳам кўрсанг-чи!

Шундоқ йўл топки, Воҳид, юрсин ундан ўзгалар,  
Одил йўлингни кўриб нашъу намо сурсанг-чи!

## Аҳмад бин Султон Маҳвий

\* \* \*

Ўзни ҳар он, ҳар замон имтиҳон этмоқ керак,  
Ҳур ҳаётга ёруғ нур армуғон этмоқ керак.  
Орзу ила умидинг мисли баҳор яшнатгил,  
Вақт биз тарафдадир манзилга етмоқ керак.

Ғамларни тортиб олиб ўрнига бахт берайлик,  
Ҳур ҳаётда бахтиёр энди кўкрак керайлик.  
Зулматдаги ҳар инсон олсин бахтдан улушин,  
Зулматдаги ҳар кимнинг ёруғ юзин кўрайлик.

Янгилик айланг ижод ўтмишга салом айлаб,  
Олға юринг баҳорлар байрамин давом айлаб,  
Ҳаёт ила тафаккур гўзаллигин қилиб жам,  
Бурчни унутмай асло, бурчга эҳтиром айлаб.

Ўзни-ю ўзгаларнинг виқорини билурмиз,  
Янги ҳаёт биносин меъморини билурмиз,  
Тариху замон ичра бир давронмиз ўзимиз.  
Ҳаёт шавқин тафсиру асрорини билурмиз.

Жаҳон аро келтирдик янги бир ҳаёт бизлар,  
Севги ила вафога қўйдик янги от бизлар!

## Аҳсан Мифтоҳий

### МАҒРУР БОШ

Тегмоғи аён эди менга бир олий мансаб,  
Эгилиб ўрганмаган аммоки бу бадбахт бош.

Дилдаги орзуларим ўзгалардан кам эмас,  
Чорламасанг сен ўзинг, қандоқ келай, қайғудош?

Янгича деб атайди хосу ом ашъоримни,  
Ўзлари сал тўғрироқ гапирсалар эди кош.

Хушомад айлагувчи битта ҳам шеър ёзмадинг,  
Сен нечук шоирдирсан, эй Аҳсан, айт-чи, йўлдош?

# Жаҳондор Афсар

## БЕВАФО ҚИМДИР ҶЗИ?

Доимо таъна тошин  
Бизга отганларида,  
Ҷйга толиб қоламиз:  
«Қимдир Ҷзи бевафо?..»

Аҳли меҳнат тарафдори биз,  
Садоқатнинг байроқдори биз.  
Ҷақ садоси бизлардан чиқар,  
Шундан бошда турар доримиз,  
Туҳмат, таъна—зулматли тундир,  
Замин субҳи шуълавори биз.  
Инсоният ёзмокда тарих,  
Ҷар бир сўзи, аҳд-қарори биз,  
Алвон ранги, гул-гулнори биз.  
Чаккасига ол лола таққан  
Бу гулистон пойидоримиз!

Доимо таъна тошин  
Бизга отганларида,  
Ҷйга толиб қоламиз:  
«Қимдир Ҷзи бевафо?..»

# Абдул Матин Ниёз

## ЛЕНИНГА САЛОМ

Эй, Инқилобнинг номи,  
Буюк бир инсон!  
Янги давр меъмори,  
Бетимсол оқил!  
Овозинг тоғларни ёриб ўтади,  
Жабр бутларини парча қилади.  
Болгандан қасрлар эгар бошини,  
Тафаккуринг жилва бағишлар тонгга,  
Янги шуъла афшон порлоқ тонгларга!  
Шу тонглар яшашга ўргатди бизни,  
Ҳақ учун курашга қўзғатди бизни,  
Ангатди, ки ишчи улуғ зот эрур,  
Нечоғ баҳосиздир унинг ол қони.  
Шу тонглар йўл очди озод меҳнатга,  
Хурликка етказди инсон руҳини,  
Ҳаётга янги нур берди, янги ранг.  
У тонгни келтирган  
У буюк одам!  
У рус сарзаминин ботир ўғлони,  
Уғлони, улкани, шарафи-шони.  
Озод халқлар уни доим айлар ёд,  
Чунки ғоялари ҳад билмай кезар,  
Сингиб бораётир халқлар руҳига!  
Дўстлар! Ҳинд шоири салом йўллайди.  
Ҳинднинг шоиридан  
Ленинга салом!

# Ниёз Ҳайдар

## ОКТАБРЬ ИНҚИЛОБИ ДОСТОНИ

Нима бўлган эди хилқатдан аввал?  
Ҳеч нима. Ҳеч нима бўлмаган.  
Бор эди фақат йўқлик.  
Бор эди на ҳайвон, на инсон,  
Бор эди на дала, на бўстон,  
На осмон, на Замин, на ёбон,  
Ҳеч нима, ҳеч нима, бас, ҳеч нима йўқ.  
Бор эди фақат йўқлик.  
Сўнг олам дилида ногаҳон бир зум  
Кўзгалди лава,  
Пусқурди шуъла,  
Қайнади ёлқин,  
Равон оқди эриган чўян.  
Нурланиш тарқалди сўнгра фазога.  
Кўрдингизми, дўстлар?  
Уша йўқликдан  
Яратилди бу ҳамма олам:  
Замин,  
Зухро,  
Миррих,  
Аторуд,  
Офтоб.  
Ою юлдузлар,  
Ҳам Осмондек гўзал манзара,  
Оби-ҳаво, ўт, тупроқ,  
Тўфон ва изтироб, ҳаяжон, ҳайрат...

Бутун борлиқ йиртқицга ўхшар  
Дарранда-ю махлуқот,  
Парранда-ю ҳайвонот—  
Барин, барин олов эди тирикчилиги.

Сўнг шундай вақт келди-ю етиб,  
Ҳаёт тўлқинлари мавжланиб кетди  
Жонланди-ку ҳаёт умиди,  
Ер умиди чиқди рўёбга.  
Ер устига қўйилди-да илк бора қадам,  
Тўрт оёқлаб юриш тарзи ўзгарди буткул.  
Бош кўтариб энди илк бор фазолар сари,  
Икки оёқ кучи билан,  
Икки оёқ кучи билан,  
Замин узра инсон қаддин кўтарди.  
Аммо боқса, ҳайратли бир манзара  
Замин узра ҳукмронлик қиларди,  
Ваҳшатларга тўла зулмат, зимистон,  
Бало-офат, уқубатлар ҳар ёнда,  
Табиат ҳам бориб-турган ёв мисол  
Шафқат билмас, абгор қилар инсонни.  
Бўм-бўшлик бор энди Диллар қаърида,  
Ҳар қадамда суринади умидлар.  
Замин—уфқ,  
Денгиз—уфқ,  
Иссиқ-совуқ, ғам-шодлик  
Кураш қуриб келди ўлим кучи-ла,  
Олишаркан замон, замон, замонлар.  
Иш берди-ку қўл, қўл кучи, навқирон қўллар  
кучи.

Унг қўл кучи,  
Чап қўл кучи.  
Ҳайрон қилди нигоҳларни,  
Киприкларда жамланди ҳайрат  
Чунки барин лол қолдирган эди-да,  
Панжаларнинг бир-бирларин маҳкам қисиши!



Худди шу вақт  
Пайдо бўлди сокин оламда  
Топинмоққа қўйилган тошлар,  
Ғорлар ичра тарашланди тошдан санамлар.  
Устун, девор гумбаз ичра,  
Ҳар бир кунжакда  
Нозикбадан апсаралар<sup>1</sup> тасвири бордир,  
Ҳаммаси тошдан.  
Ҳаёт учун керак бўлган асбоб-ускуна  
Бино бўлди, аммо ҳаммаси тошдан.

Илм кураш қурди ўлим билан сўнг.  
Кураш курашини эттирди давом,  
Сўнг яратиб берди охир-оқибат,  
Илм ила санъатнинг юлдузларини.  
Севгининг ёлқинли гулин яратиб  
Инсон кўкрагига тақиб қўёлди.  
Яъни кўнгилларда севги яралди.

Кураш, кураш кетди.  
Бетиним кураш  
Чорлади, чорлади азм этмоққа.  
Инсон оёқлари қувватга тўлди,  
Шундан Замин узра сарбаланд бўлди.  
Осмон юлдузлари титраб жим қолди.  
Тонг қуёши тутилди бирдан,  
Заминга бир лаҳза чўкди сукунат..  
Нима бўлди ўзи? Нечук тараддуд?  
Ногоҳ авжга минар тўлқинли олов,  
Тоғлар ғасирлайди,  
Дарёлар шарқирайди,  
Басма-басга қўзғолар бўрон!  
Изтиробга тўлиб шошма-шошарак

---

<sup>1</sup>А п с а р а—ҳинд афсоналарида: самовий хушсурат гўзаллар. (Тарж.)

Тоғдан ўзин отган дарё бамисол  
Бетартиб оқаркан зиддиятга бой тараққиёт,  
Шундан ҳангу мангдир назарларимиз,  
Бари ақлимиз ҳам шундан ҳайратда!

Гулнинг кўм-кўк ранги қаердан ахир?  
Қимнинг қадамидан кўтарилди чанг?  
Бу оққуш рақсими? Бу қандай ўйин?  
Бу қандай томоша?  
Бу қандай йиғин?  
Ана! Жаранглади Россия узра  
Нева дарёсининг ҳаво ранг суви!  
Инқилобнинг бешиги, салобатли «Аврора»!  
Гум-бу-урр!  
Ёғдир!  
Ёғдиравер чор саройига!  
Шунда ажаб эмас титраса агар  
Жаъми Ер юзининг зар қасрлари!

Энди тушундилар одамлар кам-кам,  
Бордилар курашнинг фаҳмига озроқ.  
Бу ситам, ноҳақлик, жабр, зулм, демак,  
Йўқ бўлиб кетгувчи фоний бир нарса;  
Шу ҳақда уларга сўйлаб берди-ку,  
Ўт ва сув бирлашиб ажиб бир дoston!

«Л-е-е-нин!»—жаранглади Россия узра,  
«Аврора» аршига қўнар юлдузлар,  
Невага ғарқ бўлди сармоядорлик,  
Хасдек оқиб кетди Гитлер ва Черчилль.  
Эллар хитоб қилар:  
«Яшасин Ленин»!  
Ер ила самога ларза тушади.

Октябрь бошлади  
Инқилоб тонгин,

Озодлик тонгини жумла жаҳонда,  
Олийлар паст бўлди,  
Мен баланд бўлдим,  
Азму аҳд,  
Илму фан,  
Журъату суръат,  
Меҳнат ила бахтнинг  
Шайдосидурман,  
Мен каби инсонлар, очлар, йўқсиллар  
Топди Ер юзида бахту саодат.  
Энди учрашсалар кўзлари ёниқ,  
Лабларида ўйнар порлоқ табассум!

Ер юзида ҳилпирасин Октябрнинг байроғи!  
Ер юзида нишонлансин Октябрнинг байрами!  
Назар ташла, ердан тортиб юлдузлар қадар,  
Ҳилпирайди баланд-баланд инқилоб туғи!  
Бу туғ дерки: «Инқилобнинг душмани бўлса,  
Шу нарсани эсда тутсин қатъий ва қойим:  
Гўзал маданият чаманларини,  
Ҳаётнинг ранг-баранг бўстонларини  
Пайҳон қилмоққа ким этган бўлса қасд,  
Адолат йўлини тўсмоқчи бўлса,  
Эшитсин, эшитсин залилу қотил:  
Улар учун ҳануз йўқлик юрти бор,  
Жўнашлари мумкин йўқлик юртига..  
Ёдингизда борми, яъни, масалан:  
...Нима бўлган эди хилқатдан аввал?  
Ҳеч нима.  
Ҳеч нима бўлмаган..  
Фақат йўқлик бор эди..  
Йўқлик..  
Ҳеч нима...

## ЕРНИНГ БИРИНЧИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ

Осмонда чақнаган ҳар бир юлдузда  
Жило кўргизмакда пок нуринг сенинг,  
Заминдан то офтоб этолдинг парвоз,  
Ўзинга ярашур ғуруринг сенинг.

Теграда вазнсиз, чексиз бир олам,  
Чарх уриб борасан, йўлинг бепоён.  
Фалак анжумлари сенга боқишиб,  
Хурсанд жилмайишлар, шахдингдан ҳайрон.

«Социализм элчисин кутиб олгани,  
Айтинг, сайёралар бўлсинлар тайёр!»  
Фазога қудратли йўлдош учирган  
Шундай деса, билинг, буткул ҳаққи бор.

Миқнотис сеҳри-ю, уфқнинг сир  
Шижоатинг ила аёндир бугун.  
Бўлмаган бир гапдир арши аъло ҳам,  
Ваҳимадан озод замондир бугун.

Эй, Ер сайёрасин учқур фарзанди,  
Шиддатинг қолдирур нур, сас суръатин.  
Замин осмон аро робита бўлдинг,  
Эй ўлмас мўъжиза, инсон санъати!

Ленин ва Октябрь, сен Йўлдош сабаб  
Янги аср бошланди, чексиздир фазо.  
Инсон тарихида даврлар-ку кўп,  
Бунчалар зўр давр бўлмаган асло.

Фазо соҳилига тушмоққа қойим,  
Зеҳни расоликнинг мисоли ўзинг.  
Сенинг шарафингдир азму жасорат,  
Инсон қудратининг тимсоли ўзинг.

Сени бир кўришга талабгорлар кўп,  
Уфқда сайёралар мунтазир бари.  
Ҳуснинг, кўринишинг кўнгилни тортар,  
Сенда тиниб қолмиш само назари.

Парвонага ўхшаб ёнасан гоҳи,  
Бургутдай қўлимга қўнасан гоҳи.  
Олти йўналишда ҳаракатинг бор:  
Унгу чап, баланд, паст юра оласан,  
У томон, бу томон гар бўлса даркор,  
Ҳар томон, басма-бас юра оласан.

Сен ҳовучлаб олган ой ила нужум  
Осмонга сочилган юлдуз эмас бу.  
Бу инсон онгидан, қудратидандир,  
Бу қудрат мангудир, мангудир, мангу.

Қисматинг—фотиҳи само бўлмоқлик,  
Бу қисматни битмиш инсони комил.  
Ақл ҳаракатда, ҳис ҳаракатда,  
Инсон шуури ҳам қалбидек омил.

Жони йўқ бир темир, жонсиз бир буюм  
Зулфга ўхшаб ёйиқ юлдузлар ичра,

Мисоли томирда қонлари кўпчиб  
Паҳлавон кезади гулюзлар ичра.

Инсон! Минг ташаккур, минг бор тасанно!  
Мўъжиза яратдим, десанг сен ҳақли!  
Сендан ўзга ҳеч ким ярата олмас,  
Фаҳм этолмас сендан ўзганинг ақли!

## ГАГАРИН

Гагарин, сенгадир орзулар фидо,  
Ёғдулар тўлқини, товланиш, жило,  
Парвозинг кашф этди тилсими фазо,  
Ҳайратдан ҳангу манг ҳар аҳли доно,  
    Фазо кучинг билан сизди ўз вазнин,  
    Мушкулни ҳал этди қадаминг, азминг.  
Нигоҳингга тобе замону макон,  
Дунёдай хаёлу шубҳа-ю гумон.  
Бўлсин боқишингга садақа осмон,  
Ерга умр бергил, ажалга қирон.  
    Кўролдинг турфаранг ҳуснин оламнинг,  
    Кўрмаган эрди ҳеч чашми одамнинг,  
Фазо жарчисидир Ленин авлоди,  
Фалак аро кезар доврўқли оти,  
Роҳу авж бўлди-ку шиддатин моти,  
Олис-яқин—учқур пойин ободи,  
    Юлдузлар май тутиб, қилар байрамин,  
    Олқишлаб инсоннинг пойи қадамин.  
Гагарин—Ер ҳусни, ёшлиги, нози  
Шаънига чалинмиш қуёш-ой сози,  
Ҳамиша яшнагай баҳори, ёзи,  
Тангриларни кўмди ҳатто овози!  
    Бор бўл, Гагаринни берган замона!  
    Айладинг Заминни Кўкка остона!

## ҲАЁТ ҚУРБОН БЎЛСИН ҲАЁТ ДЕБ...

*(Тошкент декларациясининг юбилейига бағишланган)*

Осмон—ғам тўла кенглик,  
Ё заҳарланган бир денгиз бўлса,  
Ё ўхшаса ой, юлдуздек чарақлаган рўёга,  
Рўё ва осмон,  
Нур ва зимистон  
Шодлик учун етарли эмас бу бари.  
Инсон ва руҳ,  
Вужуд ва қалб  
Юролсин шод деб,  
Ҳаёт қурбон бўлсин ҳаёт деб.

Зулмнинг чўяндан ясалган манзиллари,  
Зиндон деворидан тушган заранг соялар,  
Фалакдан то ерни тўлдирган азоб,  
Ситам,  
Бедодликнинг зилдай дардлари  
Рақс тушади чақнатиб ўтлар!  
Тун-кун азобдаман, дилбастаман мен,  
Инсон ва руҳ,  
Вужуд ва қалб  
Бўлсин обод деб,  
Ҳаёт қурбон бўлсин ҳаёт деб.

Нафрат, қаҳру жафо бўлса бу ерда,  
Тийра-ю тор фазо бўлса бу ерда,  
Қонсиз лабларимдан ташлагин олиб



Табассумнинг яхдай зиёсин,  
Тошдек дийдамдан ол кўриш завқини,  
Қалбдаги сўнгги қон томчисини ҳам;  
Қалбдаги сўнгги қон томчиси ила  
Орзулар нурининг тўфонлари-ла  
Гулхан ёқ, зулматнинг тигла бағрини,  
Ўт билан ўт юзин равшан эта ол!  
Равшанлик ҳам,  
Еруғлик ҳам,  
Бўлсин зиёд деб,  
Ҳаёт қурбон бўлсин ҳаёт деб!

Менинг ҳоким жаҳонимнинг ҳар бир зарраси,  
Ҳаммаси ҳам муҳаббатим қуёши эрур.  
Ишқим осмонида ҳар дам  
Юлдузлар, ойлар  
Жило тўла нурларини сочиб турадир.  
Сенинг орзуларинг шу юлдузларда,  
Шу тупроқнинг ўзи осуда тупроқ,  
Дарёларда кўпчиб тошган сув эмас,  
Шиддат-шиддат тўла селобинг сенинг.  
Оҳ, дунё нақадар зиддиятли-ей!  
Гоҳ масту хиромон,  
Гоҳ одил юрар,  
Бу сафарнинг<sup>1</sup> сўнгги бўлмагай асло,  
Унинг давоми бор, ёруғ давоми.  
Бу сафар—тинчлик ва дўстлик сафари,  
Тинчлик юксак бўлсин,  
Битсин мамот деб,  
Ҳаёт қурбон бўлсин ҳаёт деб!

---

<sup>1</sup>Лаъл Баҳодир Шастрининг 1966 йилда Тошкента килган сафари кўзда тутилмоқда. (Тарж.)

Гуллар тўшалган ер, гўзал сарзамин,  
Тошкент—бир диёрки, гулгун чаманки,  
Етагида юрар доим баҳорлар,  
У—самимий дўстлик, вафо маскани,  
У—бахту тенгликнинг буюк шаҳари,  
Санъат даргоҳи у, хазинаи илм,  
Мунтазир кутади келар чоғимни,  
Келган чоғларимда у кутган дамлар  
Дил-дилимга қуяр фараҳбахш жило.  
Мана гул ёғилди ҳамма томондан,  
У гуллар, у хушбўй муаттар гуллар  
Очиқ диллар каби очилиб кулди,  
Сигмай кетди оламларга шодлигим,  
Гўё бори олам рўзи азалдан  
Интиқ кутар эди шундай шодликни!  
Тошкент билан илк бор юз кўришмоқ бахт!  
Ҳосил бўлса не тонг ахир муродим,  
Шундай тотли бўлса орзум самари!  
Орзулар доим ҳур,  
Бўлсин озод деб,  
Ҳаёт қурбон бўлсин ҳаёт деб!

Оға-ини<sup>1</sup> ўртасидан душманлик ўчди,  
Қатлу ғорат, қон тўкишлик, талашлик кўчди.  
Золим фарангилар маккорлардир,  
Маккору айёрлар шаҳриёрлардир.

Букун Тошкент шаҳри—диллар каъбаси,  
Ҳайратга солувчи гўзаллар юрти.  
Ой, Миррих фотиҳи, соҳиби фазо,  
Дўстлик муҳаббатнинг маркази эрур,  
Меҳнат, шарофатнинг маркази эрур.  
Шарқда бир машъалдек порлайди Тошкент,

---

<sup>1</sup>Ҳиндистон—Покистон халқлари назарда тутилмоқда. (Тарж.)

Қадим Осиёнинг умиди ундан.  
Тошкент бамисоли мунаввар саҳна,  
Унда ажойиб соз чалинмоқдадир,  
Таратиб дўстликнинг наволарини!  
Басдир, оғи-ини саваш қурмасин,  
Ошкор бўлмасин ҳеч ўртадаги сир,  
Ҳиндистон-Покистон икки жисмдир,  
Йўқ, икки жисмда юрган битта жон!  
Гина-ю нифоқни чиқаргил ёддан,  
Мутлоқ адоватнинг ўчиргил отин!  
Қара, неча марта динга дил бериб  
Бирон наф кўрдими бани башар, айт?  
Ваҳима сарҳадин чегараси бор,  
Сарҳаднинг илон из чизиқлари ҳеч  
Яхшилик боғига элтганми ахир,  
Юртда кезганми ҳеч осуда ҳаёт?..

Яшнар Ўзбекистон гул водийлари,  
Ҳаёт тарқоқ эмас, одамлар якдил,  
Ҳаёт—ўн тўрт кунлик ойдаёй ёп-ёруғ,  
Ҳаёт—навбаҳордай яқин кўзларга!  
Ҳаёт,  
Ҳаёт,

Ҳаёт, қулоқ сол:

Биз бугун жипслашиб бердик ваъдалар;  
Бугундан бошлаб, бас, урушга йўл йўқ,  
Асло чалинмагай урушнинг сози!  
Яхшилик қилмоқ-чун низо керакмас,  
Душманлик, қаҳрдан нидо керакмас!

Шундай хайрлашар эдим, ногаҳон  
Ажал қулоғимга пичирлаб қолди:  
«Бу тун сўнгги тундир, бу тун кишининг  
Сўнгги тилагани бўладир адо:  
Демак, бу тун уйқу, тушлар тунидир».  
..Гуллар тўшалган ер, гўзал сарзамин.

Тушимга кирибди  
Бир он  
Ногаҳон  
Рўё ва осмон,  
Нур ва зимистон...  
Шодлик учун етарли эмас бу бари.  
Инсон ва руҳ,  
Вужуд ва қалб  
Юролсин шод деб,  
Ҳаёт қурбон бўлсин ҳаёт деб!

## КОММУНИСТ ПОРТРЕТИ

Толиққан кўзлар ила  
Мутафаккирона боқар,  
Осмондек кенг пешанасида  
Хаёл тўфонининг чанглари.

Лабида келажак табассумлари,  
Нигоҳлари эса ҳушёр ва қойим  
Бир лаҳзанинг ўзида  
Тўрт томонга,  
Ҳар бир томонга  
Бир лаҳзанинг ўзида боқмоғи лозим.

Резолюция тасдиқланди.  
Жумбоқ эди тушган бир таклиф.  
Аммо баҳслашиб керакдир топмоқ  
Ҳақ қайда, ноҳақ қайда.  
Уч кеча, уч кундуз баҳслашмоқ эса  
Шунчаки бир гап эмас шаксиз.  
Фақат яхшилиқнинг аломати бу.  
Аммоки сиёсат—катта бир жумбоқ,  
Ҳатто жунундан ҳам оғирроқ савдо,  
Гоҳо ақл сув бўлиб оқар,  
Гоҳо эса қон бўлиб оқар,  
Сезади ҳаммасин бешак, коммунист,  
Ҳам лабларин кулишга мажбур қилади,  
Сўнгра дарров янги фикр устида

Бош қотирар жиддий ва ўйчан,  
Лабларидан учган табассум  
Яшин каби қилмасин парвоз ошкор,  
Қалбида йиғилган дардлари ошкор,  
Қаҳқаҳа урмасин қалдироқсимон,  
Ларзалар соларак коинотларга!  
Шунинг-чун кулгудан тияр ўзини,  
Ошкор кулмоқликдан ўзини тортар,  
Чунки беўй бўлган биргина гуноҳ,  
Кичкина бир хато, бир ларза каби  
Бошларга солмоғи мумкин фалокат.

Қийин чуқур ўйламоқ жуда,  
Мулоҳаза қилмоқ хўп қийин.  
Аммо, мушкулларни енгмоқ доимо  
Коммунист ҳимматининг,  
Инқилоб заруратининг  
Шиддатин белгилар,  
Буюк шиддатин!  
Ҳозир мушкул жуда,  
Машшақатли ҳол,  
Аҳвол оғир, оғир,  
Аммо коммунист  
Қаҳқаҳа урмоққа,  
Дилдан кулмоққа  
Ўзин ундай олар,  
Айлайди мажбур,  
Чунки юрагида улкан ишонч бор,  
Ёруғ келажакнинг порлоқ ишончи!

## Кайфий АзмиЙ

### ИНҚИЛОБ УФҚИДА ПОРЛАЙДИ

Салом, эЙ Россия!  
Еғдуларинг бахш айлади ҳаёт ниҳолга,  
Ниҳолгаки унинг номи аталар ишчи,  
Ишчи деган ажиб ниҳол, наҳли саодат.  
Куз совуғи урган ниҳол эдиким аммо,  
Энди  
Узи куз фаслини қувмоқда нари.

ЭЙ, Россия!  
Сенинг манглайинг порлоқ,  
Манглайингдан томган ҳар битта томчи  
Инқилоб уфқида чироқ мисоли  
Чарақлайди сочиб гулгун шарарлар.

Йўлларда паст бўлган довон, деворлар  
Сенинг қадамларинг нишонасидир.  
Мағрур борасан сен донғил йўлларда,  
Сенга назар қилиб қора ниятлар,  
Не-не ёвузлару  
Не-не маккорлар  
Боридан айрилар, бўлар мосуво,  
Курашда бой берар, йўқ ўзга чора,  
Бўлади ошкора  
Мот устига мот.

Шимолда,  
жанубда,

мағриб,  
машриқда

Ҳамма тарафда ҳам ғариб-ғурабо  
Байроғингни тутиб бош узра баланд  
Кураш қилмоқдадир  
Тутиб эрк отин.

Дунё бизникидир, манзил бизники,  
Дарё бизникидир, соҳил бизники.  
Сарҳадсиз, сарҳадсиз осмон бизники,  
Кўз илғамас борлиқ, макон бизники.  
Заводлар бизники, фабрикалар ҳам,  
Бизники далалар, бизники конлар,  
Қудратимиз чексиз, сўрама асло,  
Бизлар дунё узра чўнг қаҳрамонлар,  
Юрган йўлимизда зафарлар йўлдош.  
Бизники машина, бизники поезд,  
Буғ ила электр, қувват бизники,  
Бу Замин, бу кенглик, вусъат бизники!  
Шундоқ жар соламиз фазоларга биз!

Ҳали жабҳаларда тинмайди кураш,  
Ва лекин бу кураш сўнгги курашдир,  
Душманлар енгилур,  
Чўнгдир зарбамиз,  
Ҳар шаҳар,  
ҳар қишлоқ,  
ҳар денгиз,  
ҳар орол,  
ҳар кўча,  
ҳар уйда  
Янги-янги сафлар қилғаймиз пайдо,  
Янги жамоалар жамлағаймиз биз!



## БЕРЛИННИНГ ЕМИРИЛИШИ

Баски битди хунрезлик, зулм зўравонлиги,  
Ханжарларнинг жаранги, тигларнинг равонлиги,  
Қисматнинг қора иши, баттар зимистонлиги,  
Ҳаёт узра бетартиб турмуш ҳукмронлиги.

Тун тугади, пайғаме субҳидам келди,  
Ёвни енгиб Москва бокарам келди.

Ғалабадан оламга тўлди бемисл ғурур,  
Берлин узра ол байроқ балқибон таратди нур,  
Заррадан токи қуёш сизди ўзгача шуур,  
Яшнади фазо, демак забт этмиш уни сурур.

Фашизмни битириб абадул абад,  
Тинч нафас олди дунё, вайрона-обод.

Қутлуғ бўлсин зафарлар, эй умрин шон айлаган,  
Ушбу айём йўлида жонин қурбон айлаган,  
Ҳур Ватан деб ёшлигин, гарчи хазон айлаган,  
Душманин бағрини қон, элни шодмон айлаган!

Қаҳрамонлар мангудир, ўлмас ҳеч қачон,  
Эл унутмас барин то тургунча замон.

Озод қилинган тупроқ, гул-гулистонга салом,  
Зафар тожини кийгаң аскар, деҳқонга салом

Танк ила тўп, самолёт, ҳарбий майдонга салом,  
Буюк жабҳани кафтда тутган ҳар жонга салом!

Энди ҳеч ким ёндирмас уруш оловии,  
Ҳеч ким солмас ўртага душманлик ғовин.

Янгидан, эй аҳли илм, гўзаллик пайдо этинг,  
Шеъру санъат, сеҳри ила барчани шайдо этинг,  
Ижод бўстони аро ўзни хўп якто этинг,  
Хомуш торни куйлатиб завқ ила сафо этинг!

Бўлган эди шум уруш мусиқа сасин,  
Баски келди ғолиб кун, диллар куйласин!

Куйлангиз, таронага тўлсин арзу самолар,  
Байрамга келсин бари—яқин-йироқ, дунёлар,  
Ярашур кўҳна Ердан учса букун наволар,  
Наво бирлан таралиб турфа сасу садолар!

Инсоният бу байрамни кутмиш интизор,  
Бу байрамдан олам бахти мангу, барқарор!

## МОСКВА

Дўстлар!

Шавқу завққа берингиз қанот,  
Атрофда фараҳли бир он бу замон.  
Қалбимиз ардоғи, нурафшон, озод,  
Мана у, Москва—шаҳри навқирон!

Эй, тинчлик байроғи, доим баланд бўл,  
Ўзга жойим йўқдир соянгдан сенинг!  
Москва, созинг черт, сасингга оқ йўл,  
Куйингга жўр бугун қўшигим менинг!

Аламларим кўпдир, қандоқ бўлай жим,  
Ахир ўтди қанча шўриш, залолат.  
То бу дам хаёлим, ўткада оҳим  
Отилган ўқлардан берар далолат.

То бу дам ҳисларим куйибон кулдир,  
Кулишни истайди ташна дудоғлар.  
Ҳар сатрим, бомбалар ташланган йўлдир,  
Бомба ташлар унга қонхўрлар, зоғлар.

Қанчалар уятли эди у кунлар,  
Банда ишин кўриб холиқ шарманда.  
Хиросима тани, таратиб мунглар,  
Кўмилмамиш, йўқдир ҳатто кафан-да.

Урушлар тинади, муайян гап бу,  
Ортиқ қорасини кўрмаймиз асло.  
Ватаним—ёнингда дўстларинг мангу,  
Бугун жабҳаларда эмассан танҳо.

Сен манзил томонга босган ҳар қадам  
Қурашлар йўлини айлар чароғон.  
Қаерга қарасанг—қарайди олам,  
Юрсанг сенинг билан юради жаҳон.

Асраб-авайладинг синиқ дилларни,  
Бас энди, дилларга етмагай озор.  
Майхоналар сари элтар йўлларни  
Ортиқ тўсиб турмас оскарлар зинҳор!

## ТОШКЕНТ

Орзу-хаёлларим кезди кўп дунё,  
Қаранг, топган экан бу ердан макон.  
Тошкент—ишққа тўла нурафшон маъво,  
Нурафшон бир маскан, ёп-ёруғ осмон.

Жаннат билан Тошкент—бу икки олам,  
Тошкент—ҳақиқатдир, жаннат—бир гумон.  
Тошкент—нашъа, жаннат—адади йўқ ғам,  
Тошкент—шуъла, жаннат—дуд, тутунсимон.

Бу ерда меҳмондўст кишилар бисёр,  
Кўнгилга яқиндир дала, боғ, майдон.  
Агар одамлари кўришса дийдор  
Қаҳқаҳа кулгуга тўлар ҳар томон.

Навоий ғазали каломдир унга,  
Тақдирининг ўзи ажойиб дoston.  
Ҳусн илк бор пайдо бўлгандир бунда,  
Шунда пайдо бўлган ишқ ҳам навқирон.

Тарихи кўп оғир, замон-замонлар  
Баҳорин ўғирлаб айлади хазон.  
Боқмай ўтиб кетди не-не давронлар,  
Очлик даҳшат солди, эзди беомон.

Яқин эга олди Буюк Инқилоб,  
Йўллар узоқ эди мисли қаҳкашон.

Юлдуз посбон бўлди, қўлдош бўлди ой,  
Кураш бошлаганда кунманглай инсон.

Зилзила пушаймон келганига ҳам,  
Қурувчи мардларнинг шаҳди бир жаҳон.  
Қаранг, бунёд бўлди янги бир олам,  
Бундай буюкликни кўрмаган замон.

Кеча меҳмон эдик, мезбонмиз бугун,  
Қучоқлаб кўришдик, туташ тану жон.  
Наво бошла, Тошкент, тарат янгроқ ун,  
Рақсида сен билан бирга Ҳиндистон!

## ФАРҒОНА

Сенга совға-салом келмадим олиб,  
Маҳлиё нигоҳим келтирдим фақат.  
Келтирдим аҳмардай бир томчи қоним,  
Сенга қондош бўлмоқ—дилдаги ният.  
Эй, шитоблар Ватани!

Қачон келганлигим ёдимда ҳам йўқ,  
Лекин келганим рост, ичурман қасам.  
Гул-ку, гул, мен ҳатто қадамларингда  
Лабим изларини кўрурман бу дам,  
Ширин хоблар Ватани!

Қўлингни бер, ўпай, суртай кўзимга,  
Парчинладинг қуллик занжирини сен.  
Порлоқ ҳаёт қурдинг, фаровон ҳаёт,  
Янги туздинг одам тақдирини сен.  
Инқилоблар Ватани!

Камол топ, янгидан очилсин гуллар,  
Кўп яша, бахтинг ёр бўлсин ҳамиша.  
Йўлларинг чароғон, мақсадинг порлоқ,  
Ҳовли-боғинг нурга тўлсин ҳамиша!  
Эй, Офтоблар Ватани!

# Қамар Раис

## ТОШКЕНТ СОВҒАСИ

(Поэма)

Ажнабий кезади Ўзбекистонни...

Ҳар тарафда фаровонлик, нурли манзара,  
Барин кўриб равшан тортар кўзларим менинг,  
Кўрганларим  
Жонга роҳат,  
Таскин дилимга.  
Ҳар бир йўлдан ўтарканман,  
Борар йўлимда  
Эсдан чиққан дostonимни кўриб қоламан.  
Ўзбекистон, қалбга роҳат бергувчи қўшиқ,  
Умр бўйи излайдирман  
Шундай қўшиқни,  
Хаёлимда тиклаганман нурли тимсолин,  
Ениб-ёниб куйлаганман  
Тасаввуримда!..  
Ўзбекистон—бир орзуким,  
Кўнгиш рўшноси,  
Бу орзуга етайин деб  
Не-не асрлар  
Интилгандир тин билмайин  
Одам боласи.

Ўзбекистон шундай нурким  
Шиддатли, юсак,  
У осмондаң тушган эмас,



Замин чақноғи!  
Ўзбекистон бир кўзгуким  
Тиниқ, руҳпарвар,  
Унга боқиб ўзлигини  
Англайди башар.  
Мен, ажнабий,  
Садоларга тўла шаҳарда  
Қўрқинчли бир тимсол каби қолдим қақдайиб,  
Бу ҳам рост гап.  
Бешак бари ҳайрат иши-ку.  
Ҳар тарафдан таралади  
Майин садолар,  
Бошим узра елпинади  
Мовий фазолар.  
Биргина мен нотанишман,  
Бир мен ажнабий,  
Бу ҳам рост гап.  
Атрофимда порлоқ чеҳралар,  
Энди-энди очилмоқчи нилуфарлардек,  
Фаттон кўзлар,  
Мовий кўзлар,  
Феруза кўзлар,  
Кўк кўзлару  
Қора кўзлар менга боқади.  
О, бу кўзлар,  
Қандай рангда бўлмасин, бари  
Жилмаяди  
Нур сочади  
Менга боққанда,  
Гўё дилбар, дилдорларнинг илтифотидек  
Инжа-инжа  
Руҳимгача бориб етади,  
Гўё озроқ нозлар ила  
Дейишар менга:  
«Ажнабийсан, меҳмон,  
Аммо, меҳмонман дема,

Гурбатларда ғарибман деб ичингни ема,  
Сенинг учун кўз пояндоз,  
Кўнгиллар очиқ,  
Ланг очикдир ҳар бир эшик  
Истиқболингга!»  
Қаён боқсам,  
Шу нигоҳлар йўлга бошлайди,  
Жонажону қадрдондек  
Кетмас қошимдан.

Чексиз осмон,  
Заррин қуёш,  
Сарин шаббода,  
Олис, олис тоғлардаги  
Эриётган қор,  
Шовуллаган,  
Қилич янглиғ кескир шалола,  
Ўзбекистон табиати, бир сўз-ла айтсам,—  
Бари гўё  
Қўлим ушлаб, босар бағрига,  
Руҳим алқаб,  
Эркалайди,  
Бошим силайди...

Гул-ғунчага безанмишдир  
Олма-ю бодом,  
Гўё улар  
Ишқ-севгига тўлган диллардир,  
Ҳузурига чақиради  
Бир фусун ила.  
Ана, ямин—  
Гулистоннинг нозанини бу,  
Шуълаларда чўмиларман,  
Инжучи қиздай  
Баданларин беркитар-да  
Барглари билан

Таъзим айлар:

«Хуш келибсиз, эй қутлуғ меҳмон!

Келингиз-да,

ҳидланг атрим,

фароғат олинг,

Вужудимда ниҳон эрур

ғунча мулойим,

Ухлар ҳали,

сиз уйғотинг,

уйғонсин ғунча...»

Олисда-чи,

Юксак-юксак тоғлар пойида,

Ўзи хўбрў,

Бодагуну хомуш бир лола,

Заранг ташлар томиридан

Қондай сув эмиб,

Якка-ёлғиз,

Танҳо экан, сенга бундай дер:

«Ўтмиш расми, одатлари менга бегона,

Сийнамда бир доғ қолмишдир, айтсам ростини,

Бу—доғи дард,

Доғи истак,

Бу—шуълаи оҳ,

Қошимга кел!

Шоирсан-ку,

Қўнглимни англа!

Шеърияту шоирликнинг тили—муҳаббат,

Ваганимда тупроқ олган нафас—муҳаббат,

Ҳаволарни тўйинтирган куй, сас—муҳаббат,

Муҳаббатдир соз достони башариятнинг,

Муҳаббатдир инсоният тонгидан нишон,

Муҳаббат—бу тинчлик, ҳурлик,

Ёп-ёруғ замон!..

Мана шундоқ муҳаббатга бизлар таржимон!

*Тошкент,*

*1966 йил, март*

## ЧОЙХОНА ТОНГИ

Субҳидам...

Яна чой маскани—

Чойхонанинг эшиги очиқ,

Яна самоварнинг хўппа қурсоғида

Шифо суви қайнай бошлайди,

Ҳайқиради сийнасини тўлдириб узоқ,

Ҳали айтилмаган дostonдек гўё.

Саҳни тўлдириб,

Кўрпача ёзилар, тахт ясалгандек,

Санавбар дарахтлар кўланкасида

Мисли шабнамистон,

Салқин масканда

Меҳру муҳаббатнинг туйғусидан лол,

Сўнгра бинафшадан,

Барги райҳондан

Жонафзо муаттар бўйлар таралар.

Шохлардан-шоҳларга сакрашиб қушлар

Чаманзорда базм бошлайди.

Гўё гуллар, ғунчалар, барглар

Яратади бир симфония.

Пештоққа осилган тўрқовоқ ичра

Бедана уйғониб, бошлар «питбилдиқ»,

Ҳаёт уйғонади,

Жумла саслардан.

Қай кимдир осиглик дуторни олиб,  
Хумор бўлиб чертганда, ногоҳ,  
Чақмоқ чақнаб кетгандек бўлар,  
Табассумлар рангин, ранг-баранг,  
Ҳар рангидан томган каби бол,  
Нигоҳларни чорлар ўзига.  
Садоқатли дўстлар базми,  
Бу—чойхона суҳбати,  
Кириб келар  
Бу базмга ташна бўлганлар,  
Беқасам тўн ловиллайди эгниларида,  
Бедоғ чеҳраларда эса гуногун,  
Ажиб хуш табассум ўйнар осуда,  
Заводларнинг порлоқ меҳнаткашлиги,  
Кўнгиллар оқлиги, виждон поклиги  
Аён кўринарди табассумларда...  
Қувноқ сас бераркан ҳар тўрт томонда  
Мунаққаш пиёла, гулгун тобоқлар,  
Лаззатли, роҳатбахш, бугли иссиқ чой  
Хўплам-хўплам бўлиб ичилган сайин  
Қирмизи лабларнинг бўсасимон  
Қитиқлай бошлайди ҳиссиётларни...  
Аския, қаҳқаҳа минар авжига,  
Нодўстлик орадан кўчади буткул,  
Базм қизиб борар,  
Вақт ўтиб борар,  
Ҳеч ким сезмай қолар кеч кирганини,  
Куннинг оғушида ухлаган оқшом  
Бепарво ўйнабон қаро зулфларин  
Чойхона саҳнига ташлайди қадам...

Субҳидамда яна,  
Очиқ чойхона...

*Тошкент, 1966 йил, апрель*

## МУНДАРИЖА

*Зулфия. Буюк Инқилоб қўшиқлари.*

### ШЕЪРЛАР

*Фаттоҳ Тешабоев ва Суръат Мирқосимов  
таржималари*

Мисли порлоқ юлдуз Ленин . . . . . 9

### АЛИ САРДОР ЖАЪФАРИЙ

Рус инқилоби . . . . . . . . . . .10  
Янги ҳаёт . . . . . . . . . . .12  
Ишчилар . . . . . . . . . . .14

### САЖЖОД ЗАҲИР

Ленин ҳалқаси . . . . . . . . . .15

### ҲАСРАТ МУҲАНИЙ

Социализм дейдики . . . . . . . . .19

### ЖУШ МАЛИҲОБОДИЙ

Карл Маркс . . . . . . . . . . .20

### СОҒИР НИЗОМИЙ

Россия . . . . . . . . . . .22

ҲЕМИСИНГҲ НАГАР

Лениннинг қалби . . . . . 23

ШРИ ШРИ

Ленинга таҳсин . . . . . 24

СУРЖИТ РАЖПУРИИ

Мария Александровна . . . . . 25

СУҚАНТА БХАТТАЧАРИЯ

Ленинлардан бириман мен ҳам. . . . . 27

ДИНАНАТҲ НАДИМ

Бу воқеа яқинда бўлган . . . . . 29

МАДАНЛАЪЛ ДИДИИ

Учқундан қуёш . . . . . 32  
Зулфияхонимга . . . . . 34

СИДДҲАРТА САРКОР

Она . . . . . 36

НАРЕНДРА ШАРМА

Қизил юлдуз ёғдуси . . . . . 38

АРШ МАЛСИЕНИИ

Ленин . . . . . 39

АБДУЛ ВОҲИД

Ғазал . . . . . 41

ИБРАТ БАХРАЙЧИЙ

Улуғ Ленин . . . . . 42

ЖОН НИСОР АХТАР

Таня . . . . . 44

АҲМАД МУЖТАБО ВОМИҚ

Зоя . . . . . 46

Бу—ишчилар лашкари . . . . . 47

ВАЛЛАТХОЛ

Ленин мақбарасида. . . . . 49

МАҲДУМ МУҲИУДДИН

Москва . . . . . 52

Қутлуғ бўлсин . . . . . 53

ШАМИМ ҚОРҶОНИЙ

Қизил фазо . . . . . 54

НИРАЛА

Тез қадам бос . . . . . 55

АЛ-НОСИР АЛИ НОСИР

«Синган омоч жаранги...» . . . . . 56

ШУРИШ СИДДИҚИЙ

«Неча кунки...» . . . . . 57

СУМИТРАНАНДАН ПАНТ

Халқ инқилоби байрами . . . . . 58



АХТАР ҲАБИБ ХОК

«Туннинг пардасин йиртиб...» . . . . . 59

МУҲАММАД АЛИ ТАРЖИМАЛАРИ

ШАМШИР БАҲОДИР СИНГҲ

Сўл, сўл! . . . . . 60

РАНА БАЛВАНТ СИНГҲ

Орзу билан олға бос! . . . . . 62

ҲАСРАТ ҚҲАТЎЛВИИ

Ғазал . . . . . 64

ЭЪЖОЗ НАБИ

Ишчи . . . . . 65

МИРЗО ШУҲРАТ ДЕҲЛАВИИ

«Ҳақиқатман ярқироқ мен замона қошида...» 66

НАНДКИШОР НАВОБ

Қўшиқ . . . . . 67

ҒАЖАНАН МАДҲАВ МУҚТИБУДҲ

Емирилсин сармойдорлик . . . . . 68

ЗАҒАР АЗМИИ

«Агар зулм кучайса...» . . . . . 70

СОДИҚ ДЕҲЛАВИИ

Тўртлик . . . . . 71

## АШҲАР АЗМИЯ

Ҳосил . . . . . 72

## САЛОҲИДДИН НАЙЯР

Ҳаёт . . . . . 73

## ВОҲИД ПРЕМИЯ

«Ғамнинг шабрў тунида...» . . . . . 74

## АҲМАД БИН СУЛТОН МАҲВИЯ

«Узни ҳар он, ҳар замон имтиҳон этмоқ керак» . . . . . 75

## АҲСАН МИФТОҲИЯ

Мағрур бош . . . . . 76

## ЖАҲОНДОР АФСАР

Бевафо кимдир ўзи . . . . . 77

## АБДУЛ МАТИН НИЕЗ

Ленинга салом . . . . . 78

## НИЕЗ ҲАЙДАР

Октябрь инқилоби достони . . . . . 79

Ернинг биринчи сунъий йўлдоши . . . . . 84

Гагарин . . . . . 87

Ҳаёт қурбон бўлсин ҳаёт деб . . . . . 88

Коммунист портрети . . . . . 93

## КАЙФИЯ АЗМИЯ

Инқилоб уфқида порлайди . . . . . 95

Берлиннинг емирилиши . . . . . 97

Москва	. . . . .	99
Тошкент	. . . . .	101
Фарғона	. . . . .	103

### ҚАМАР РАИС

Тошкент совғаси. <i>Поэма</i>	. . . . .	104
Чойхона тонги	. . . . .	108

*На узбекском языке*

## ГОЛОСА ЧЕРЕЗ ГИМАЛАИ

Стихи и поэмы индийских поэтов

Редактор *И. Мирзамахмудов*. Рассом *А. Богдасарян*.  
 Расмлар редактори *А. Бобров*. Техн. редактор *У. Қим*.  
 Корректор *М. Абдусаломова*  
 ИБ № 566

Босмахонага берилди 01.02.78. Босишга рухсат этилди 28.11.78.  
 Формати 70x90 1/32. Босма л. 3.6/25. Шартли босма л 4,24.  
 Нашр л. 3,41 Тиражи 5000 Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва  
 санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома  
 № 220—77.

Ўзбекистон ССР нашриётлар полиграфия ва китоб савдоси  
 ишлари бўйича Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахо-  
 насида № 1-қоғозга босилди. Бекобод, 1978 йил. Заказ № 142  
 Баҳоси 40 т

Ҳимолай оша садолар: Ҳиндистон шоирларининг шеър ва поэмалари (Сўзбоши, Зулфия; Тузувчи Суръат Мирқосимов, —Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти 1978С.—116 б.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ҳаётбахш садолари жаҳоннинг бурчак, бурчакларигача бориб етди, эллар ва дилларга ларза солди. Қўлингиздаги китобда Ҳиндистон адабиётининг турли миллат ва даврга мансуб қирқ беш шоири ўз асарлари билан иштирок этмоқда. Бу китобда 60 та шеър ва поэма жамланган. Уларда Ленин, Улуғ Октябрь Россия, Ўзбекистон мавзулари қаламга олинади ва инқилобнинг ша-рафли одимлари шоирона сатрларда тараннум қилинади.

Голоса через Гималаи. Стихи  
и поэмы индийских поэтов.

И (инд)